

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

“Хорижий мамлакатлар иқтисоди ва мамлакатшунослик” факультети  
“Хитойшунослик ва Кореяшунослик” кафедраси

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**МАВЗУ:  
“ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИДА ТАЙВАННИНГ  
ЎРНИ ВА РОЛИ”**

**Бажарди:** “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва  
мамлакатшунослик” таълим йўналиши 5342500  
“Хитойшунослик” битирувчиси Миркамолов Ёрқин  
Хусниддин ўғли\_\_\_\_\_

**Илмий раҳбар:** доцент и.ф.н. Алимов А.М.\_\_\_\_\_

## **МУНДАРИЖА**

### **Кириш**

**1-боб. Глобаллашувнинг замонавий босқичида Хитой иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари.**

- 1.1. Хитой иқтисодиётининг ҳозирги замон жаҳон хўжалигига тутган ўрни.
- 1.2. Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш моделининг асосий хусусиятлари.

**2-боб. Тайваннинг жаҳон хўжалигига тутган ўрни ва ривожланиш омиллари.**

- 2.1. Тайвань иқтисодининг ривожланиш босқичлари ва омиллари.
- 2.2. Хитой Халқ Республикаси ва Тайванинг сиёсий-иктисодий муносабатлари ҳолати таҳлили ва истиқболлари.
- 2.3. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда Хитой ва Тайвань иқтисодий моделидан фойдаланиш йўналишлари.

### **Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## Кириш

Мавзунинг долзарбилиги. Ҳозирги замон глобаллашув шароитида жаҳон хўжалиги ривожланишида Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатларининг роли ошиб бориб, улар жаҳон иқтисодий марказларидан бирига айланди. Бу мамлакатлар ўзининг тез иқтисодий ривожланиши ва саноатлашиши билан ажралиб туради. Уларнинг ичида Хитой Халқ Республикаси ва унинг провинцияси ҳисобланган Тайвань давлати алоҳида ўрин тутади. Сўнгти ўн йилликларда ўтказилган иқтисодий ислоҳатлар кутилган юқори натижаларни бермоқда. Ҳозирги вақтда айниқса Хитой иқтисодиёти барқарор юқори ўсишга эришиб, АҚШ, Япония, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг асосий рақобатчисига айланмоқда. Бундай натижаларга аҳолиси дунёда энг кўп бўлган давлатда эришилиши унинг иқтисодий ўсиш тажрибаси қийматини янада оширади.

Тайванинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий хусусиятлари барчасидан кўра бугунги кунда Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга хизмат қилмоқда. Тайван ҳукумати ўтган олти ўн йиллик “сакраш” давомида (1949-2010-йиллар) ишончли равишда иқтисодий тизимни шакллантириш ва такомиллаштиришда, унинг ички таркибий тузилмаси, шунингдек, жаҳон хўжалигига интеграциялашувида юқори самарадорликни намойиш қилди.

Тайвань иқтисодиётининг асосини кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил қиласди. Барча рўйхатдан ўтган компанияларнинг 98 фоизини айнан кичик ва ўрта корхоналар ташкил этиб, уларда барча банд аҳолининг 80 фоизи фаолият олиб борадилар ҳамда уларнинг ялпи экспортдаги улуши 60 фоизга етди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Yearbook of Financial Statistics of the R.O.C. DGBAS. Taipei.

Иқтисодий сиёсат асосан ички бозорда рақобатни кучайтириш, халқаро рақобатбардошликтини харажатларни камайтирган ҳолда таъминлаш ҳамда ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга асосланади.

Хозирги вақтда Хитой ва Тайвань ўртасидаги муаммоли муносабатлар Осиё худудида ва бутун жаҳонда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бўлиб, ушбу мамлакатлар ҳозирда асосан иқтисодий, маданий-гуманитар масалаларни ҳал қилиш босқичидадир.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2010 йили XXР ва Тайвань ороли ўртасида савдо бўйича икки ёқлама битимнинг имзоланиши жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви туфайли вужудга келган регионал интеграция муаммоларини ҳал қилишда қўйилган иккала томоннинг стратегик қадами бўлди ва бу икки давлат ташқи иқтисодий муносабатларининг янада ривожланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари самарадорлиги ошиб, мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда иқтисодий ютуқларга эришган давлатлар ривожланиш модели хусусиятлари, ислоҳотлар мазмуни ва ташқи йўналтирилган стратегиясининг устувор йўналишларини чуқур тадқиқ қилиш ва унинг ижобий томонларидан оқилона фойдаланиш миллий хўжалигимизни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Президентимиз И.Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида таъкидлаганидек: “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти, аввало, шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни

ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйганмиз”<sup>2</sup>.

Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ислоҳатлар бир нечта босқичда амалга оширилди. Ушбу жараёнда ташқи иқтисодий алоқалар тизимини самарали йўлга қўйиши, унинг устувор йўналишларини белгилаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Ташқи савдо алоқалари ва чет эл инвестициялари мамлакат иқтисодий ривожланишида муҳим омиллар бўлиб ҳисобланади. Унинг асосий ташқи савдо шериклари АҚШ, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатлар бўлиб, ҳозирги вақтда Хитой бу мамлакатлар билан самарали ҳамкорликни кенгайтиришга, Осиё-Тинч океан минтақасининг бошқа давлатлари билан интеграциялашувига интилмоқда.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланиб, иқтисодий ҳамкорлик ва интеграциянинг мақбул йўлларини қарор топтириш, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида иқтисодий ривожланиш стратегиялари амалиёти хусусиятлари, глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикаси ва Тайванинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганишга бағишлиган мазкур битирув малакавий иш мавзуси долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ривожланиш моделлари, шунингдек ташқи савдо ва саноат сиёсати масалаларининг умумназарий томонлари А. Смит, Д. Рикардо, Ж. Стюарт Милл, А. Маршалл, Э. Хекшер, Б. Олин, П. Самуэльсон, В. Леонтьев, П. Кругман каби олимлар тадқиқотларида кенг ўрганилган. Айрим хорижий мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолияти ва ташқи савдо сиёсати масалалари М. Агосин, Б. Балаша, К. Джомо, Р. Помферт, А. Харрисон, Б. Фомин, А. Холопов, А. Илларионов, С. Глазьев, С. Никитин, А. Иголкин, Т. Койчуев қабиларнинг илмий ишларида ўрганилган.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 20 январь 2012 йил.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан ҳам иқтисодий ривожланиш, ташқи савдо ва инвестиция сиёсатининг назарий-методологик томонлари, унинг самарадорлигини оширишининг услубий йўналишлари А.Алимов, Ш.Арифханов, А.Бекмуродов, А.Бедринцев, А.Ваҳобов, С.Ғуломов, А.Исажанов, Б.Исламов, Г.Каримова, Р.Каримов, Р.Қосимов, А.Расулов, Г. Сайдова, Н.Сироҗиддинов, Г. Хачиев, А.Ҳикматов, Б.Хўжаев, С.Чепель, Т.Шодиев ва бошқалар, Хитой иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг турли жиҳатлари бир қатор хитойлик иқтисодчи-олимлар, жумладан У. Цзинлянь, Ю. Ши, У. Сяоцю, Чао Конг ва ўзбек олимларидан Д.Қурбанов, Г.Мелибаева, Б.Турсунов, Н. Тўхлиев, Н.Юсупов, Р.Шодиев кабиларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Глобаллашув шароитида ХХР ва Тайваннинг жаҳон хўжалигида тутган ўзига хос ўрни ва мавқеидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатлар иқтисодий ривожланиш ва ўсиш омилларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига самарали интеграциялашувини таъминлайдиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ишимизнинг асосий мақсадидир.

Бу мақсадга эришиш учун ушбу битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар қўйилган ва бажарилган:

- Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш стратегиясига ҳамда замонавий босқичда мамлакатнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрнига баҳо берилди;
- Тайвань иқтисодининг ривожланиш босқичлари ва омиллари ҳамда ривожланиш моделининг асосий хусусиятлари ўрганилди;
- Хитой Халқ Республикаси ва Тайванинг сиёсий-иктисодий муносабатларининг ҳолати, ривожланиш муаммолари ва истиқболлари таҳлил этилди;
- Хитой Халқ Республикаси ва Тайваннинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсиш

ва ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Хитой Халқ Республикаси ва Тайвань иқтисодий ўсиш жараёнини таъминлашда аҳамиятли бўлган ривожланиш модели тадқиқот объекти, назарий ёндашувлар, услубий асослар, амалий муаммолар, ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш йўллари эса тадқиқот предметидир.

Тадқиқот методологияси ва методикаси. Тадқиқот олиб бориш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асрлари, XXР билан иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, амалдаги қонун хужжатларидан, илмий адабиётларидан, илмий-ахборот серверларидан, хорижий манбалардан фойдаланилди. Тадқиқот олиб бериш жараёнида иқтисодий гурухлаш, статистик таққослаш ҳамда тегишли маълумотларни илмий умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Хитой билан Тайваннинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига байналминаллашув, интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг таъсири таҳлил қилинган, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини такомиллаштиришда ушбу мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Илмий ишнинг асосий натижалари. Битирув ишининг асосий натижаларидан мамлакатимизда бозор ислоҳатларини чукурлаштиришда, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда, “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” каби фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўtkазишда, маъруза матнлари тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Битирув малакавий иш кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-боб. Глобаллашувнинг замонавий босқичида Хитой иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари.**

### **1.1. Хитой иқтисодиётининг ҳозирги замон жаҳон хўжалигига тутган ўрни.**

Хитой Халқ Республикасининг сўнгги йиллардаги ривожланиш тенденциялари кўп жиҳатдан ташқи иқтисодий омилга боғлиқ эканлигини инобатга олиб, мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрни ва мавқеини объектив баҳолаш учун 1998 йилги Осиё инқизориздан то 2008 йил Глобал молиявий инқизорзгача бўлган даврни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2000-2008 йилларда жаҳон товарлар экспорти XX аср иккинчи ярмидаги каби жаҳон товарлар ишлаб чиқаришига нисбатан юқори суръатларда ривожланди. Агар жаҳон товар экспорти ушбу йилларда йилига ўртacha 5,5 фоизга ўсиб борган бўлса, жаҳон товар ишлаб чиқариши йиллик ўсиши ўртacha 3 фоизни ташкил қилди (1- жадвал).

1- жадвал.

Жаҳон товар ишлаб чиқариши ва товар экспортида тармоқлар улуши, %да

	2000-05	2006	2007	2008
Жаҳон товар экспорти	5,5	6,5	8,5	6,0
Қишлоқ хўжалиги	4,0	6,0	6,0	4,5
Ёқилғир энергетика	3,5	3,5	3,5	3,0
Саноат	6,5	7,5	10,0	7,5
Жаҳон товар ишлаб чиқариши	3,0	3,0	3,0	4,0
Қишлоқ хўжалиги	2,5	2,0	1,5	2,5
Ёқилғи ва энергетика	1,5	1,5	1,0	0,0
Саноат	3,0	4,0	4,0	5,0
Жаҳон ЯИМи	3,0	3,0	3,5	3,5

Манба: Жаҳон банки ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотлари

Жаҳон товар экспортида ҳам, жаҳон товар ишлаб чиқаришида ҳам ўсиш саноат маҳсулотларининг ўсиши ҳисобига таъминланганлиги жадвал маълумотларидан қўриниб турибди. Саноат маҳсулотлари экспорти ўртacha

6,5 фоизга, ишлаб чиқариши эса ўртача 3 фоизга ўсган бўлса, энг юқори кўрсаткич мос равишда 10 ва 5 фоизга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичларга саноат маҳсулотлари экспортида 2006 йилда, ишлаб чиқаришида 2007 йилда эришилди.

2005-2007 йиллардаги кўрсаткичлардан қўриниб турибдики, жаҳон товар экспорти ушбу уч йил давомида нотекис ўсган бўлса-да, охирги саккиз йилдаги ўртача кўрсаткичда юқори бўлган: 2005 йил – 6,5 фоиз, 2006 йил – 8,5 фоиз, 2007 йил – 6,0 фоиз. Агар жаҳон товар ишлаб чиқаришига эътибор қаратсак, ушбу йилларда бошқача вазиятга дуч келамиз, яъни 2005-06 йилларда ўртача кўрсаткич такрорланган бўлса, 2007 йилда йиллик ўсиш юқори бўлди ва жаҳон товар ишлаб чиқариши 4 фоизни ташкил этди.

Жаҳон ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати 2000-07 йилларда ўртача 3 фоизга тенг бўлди. Охирги икки йилда бу кўрсаткич 3,5 фоизни ташкил қилди.

2-жадвалда минтақалар ва алоҳида мамлакатларнинг товар экспорти импортининг 2000-07 йиллардаги ривожланиш динамикаси келтирилган.

2-жадвал  
Минтақалар ва баъзи мамлакатларда экспорт ва импорт динамикаси, %.

Экспорт				Импорт		
2000-07	2006	2007		2000-07	2006	2007
5,5	8,5	6,0	Жаҳон бўйича	5,5	8,0	5,5
3,0	8,5	6,0	Шимолий Америка	4,0	6,0	2,0
1,0	1,0	1,0	Канада	4,0	5,5	6,5
3,0	11,0	1,5	Мексика	3,5	10,5	4,5
3,5	10,5	7,0	АҚШ	4,0	5,5	1,0
6,5	3,5	3,5	Жанубий ва Марказий Америка	8,0	15,5	17,5
4,0	7,5	3,5	Европа	3,5	7,5	3,5
4,0	7,5	3,0	Европа иттифоқи (27)	3,5	7,0	3,0
1,0	-2,0	1,5	Норвегия	5,5	10,5	9,5
4,0	10,0	7,0	Швейцария	2,0	7,0	5,0
8,0	5,5	7,5	МДХ	17,0	21,0	19,5
10,5	13,5	11,5	Осиё	8,5	8,5	8,0
2,0	2,0	2,5	Австралия	9,0	8,0	11,0
22,5	22,0	19,5	Хитой	18,0	16,5	13,5
-3,0	9,5	6,5	Гонконг	8,0	9,5	8,0
13,0	11,0	11,5	Ҳиндистон	13,5	9,5	14,0
6,5	10,0	9,0	Япония	3,0	2,0	1,0

Манба: Жаҳон банки ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотлари

Жаҳон бўйича товар экспорти ҳам, импорти ҳам таҳлил қилинаётган йилларда 5,5 фоизни ташкил этди. 2006 йилда экспорт 8,5 фоизга ўсган бўлса (импорт 8 фоиз), 2007 йилда ўсиш суръати пасайди ва 8 фоизни (импорт эса 6 фоизни) ташкил этди.

2000-07 йилларда минтақалар экспорти ривожланиши борасида Осиё етакчилик қилди, экспортнинг ўсиш суръати ўртacha 10,5 фоизга teng бўлди. 2006 йилда бу кўрсаткич 13,5 фоизни, 2007 йилга келиб 11,5 фоизни ташкил этди. Осиёда товарлар экспорти ўсишида Хитойнинг улуши юқори бўлган. Сўнгги саккиз йил давомида ушбу кўрсаткич йилига ўртacha 22,5 фоизни ташкил этган бўлса, охирги икки йилда бироз камайиб 2006 йилда 22, 2007 йилда 19,5 фоизга teng бўлди. Шундай бўлса-да, бошқа мамлакатлар билан солиштирганда Хитой натижалари ҳавас қиласидиган даражада бўлиб қолмоқда. Хитойдан ташқари Ҳиндистон, Шарқий Осиёдаги 6 та янги индустрисал мамлакат, МДҲ мамлакатларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳоннинг деярли барча минтақаларида ва алоҳида олинган мамлакатларда товар экспорти 2007 йилга нисбатан 2006 йилда юқори бўлган. 2007 йилда кузатилган пастлашни қайсиdir маънода 2008 йилда бошланган жаҳон иқтисодий таназзулига тайёргарлик деб атасимиз мумкин.

Ушбу йилларда жаҳон импорти ривожланиш суръатларини таҳлил қилганимизда баъзи ўзига хос хусусиятларни қайд этиб ўтишимиз мумкин. Товар импорти ўсишининг ўртacha кўрсаткичи борасида яна ўша Хитой етакчилик қилмоқда – 18 фоиз. Хитойдан кейин МДҲга аъзо мамлакатлар ва Ҳиндистон бормоқда. Лекин 2006-2007 йилларда Хитойда импортнинг ўсишида пастлаш кузатилган бўлса, МДҲ ҳамда Жанубий ва Марказий Америка мамлакатларида ўсиш кузатилди. МДҲ минтақасида 2006 йилда товар импорти 21, 2007 йилда 19,5 фоизни ташкил этди. Бу ҳолатни ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳатлар, иқтисодиётни қайта қуриш

учун турли асбоб-ускуна, янги технологияларнинг зарурлиги билан тушунтириш мумкин.

Битириув малакавий ишимиизнинг бу қисмида Осиёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига кирувчи Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин ҳамда Хитой давлатининг ва таққослаш учун республикамиизнинг 2002-2008 йиллар ичидаги ривожланиш қўрсаткичларини таҳлил қиласиз.

2002-2008 йилларда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мувозанатлашган суръатини таъминлаш бўйича давлат томонидан кўрилган чоралар натижасида юқорида Хитой макроиктисодий ривожланишидаги мавжуд ижобий тенденциялар сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ушбу йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсишининг ошиб бориши таъминланди, бу қўрсаткич турли йилларда тебраниб турган бўлса-да, йилига ўртача 10,01 фоизгача бўлди, агар 2002-2008 йиллар давомида йиллик энг юқори қўрсаткични кўрадиган бўлсак, у Хитойда 2006 йилда 10,7 фоизни ташкил этди. Агар Ўзбекистондаги ушбу қўрсаткичларга эътибор қаратсак, 7 йил давомидаги ўртача ўсиш 6,71 фоиз, бир йилдаги энг юқори ўсиш 2008 йилда 9 фоизга teng бўлди.

3-жадвал.

**ЯММнинг ўсиш суръати (%)**

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2002-2008
Ўзбекистон	4,2	4,4	7,7	7	7,3	7,4	9	6,71
Гонконг	1,8	3,2	8,6	7,5	6,8	5,4	5,2	5,5
Жан.Корея	7	3,1	4,7	4	5	4,5	4,8	4,73
Индонезия	4,5	4,8	5	5,7	5,5	6	6,3	5,4
Малайзия	4,4	5,5	7,2	5,2	5,9	5,4	5,7	5,61
Филиппин	4,4	4,9	6,2	5	5,4	5,4	5,7	5,29
Сингапур	4,2	3,1	8,8	6,6	7,9	6	5,5	6,01
Таиланд	5,3	7,1	6,3	4,5	5	4	5	5,31
Хитой	9,1	10	10,1	10,4	10,7	10	9,8	10,01

Манба: Жаҳон банки ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотлари

Мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги товарлар ва хизматлар экспортининг юқори суръати орқали таъминлади. Бу суръат 2002-2008

йилларда энг юқори даражада Хитойда ўртача 25,84 фоизни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич Филиппинда деярли 8 фоизга тенг бўлди. Бир йилдаги энг юқори кўрсаткич Хитойда 2004 йилда қайд этилди ва 2003 йилга нисбатан 34,4 % га ошди. Экспортнинг ўсиши асосан тайёр маҳсулот экспорти кўпайиши хисобидан таъминланди. Бу борада республикамиз кўрсаткичлари ҳам қувонарли – ўртача йиллик ўсиш Хитойдан ташқари юқоридаги барча мамлакатлардан юқори бўлди (4-жадвал).

4-жадвал.

Товарлар экспорти ўсиш суръати (%)

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2002-2008
Ўзбекистон	-8,5	24,6	30,3	11,5	18,1	40,7	28,7	20,77
Гонконг	4,9	12,1	15,9	11,2	9	3,6	10,1	9,54
Жан.Корея	7,9	20,7	30,6	12,1	14,8	13,5	14,2	16,26
Индонезия	3,1	8,4	10,4	22,9	18,1	9,8	121	12,10
Малайзия	7,2	11	20,9	12	19,9	9,5	10,6	12,59
Филиппин	9,9	2,7	9,8	3,7	14	6,5	9,5	8,01
Сингапур	3	15	24,3	15,6	18,3	10,5	10	13,81
Таиланд	4,8	18,2	21,6	15	17,4	7,9	8,9	13,40
Хитой	22,4	34,6	35,4	28,5	26	18	16	25,84

Манба: Жаҳон банки ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотлари

2008 йилда экспорт борасида ушбу мамлакатларда ўзаро савдонинг юқорилиги билан бир қаторда уларнинг асосий ҳамкорлари анъанавий равиша АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи ва Хитой бўлиб қолмоқда.

Импортнинг ўсиш суръати борасида ушбу йилларда энг юқори даражага Хитойда эришилди ўртача 24,5 фоизни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич Филиппинда 8 фоизга тенг бўлди. Бир йилдаги энг юқори кўрсаткич ҳам Хитойда 2003 йилда қайд этилди ва 39,8 % га ошди. Бу борада республикамизда ўртача йиллик ўсиш 8,17 фоизга тенг бўлди (5-жадвал).

5-жадвал.

## Товарлар импорти ўсиш суръати (%)

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2002-2008
Ўзбекистон	-13,5	9	28,7	7,2	7,4	9,5	8,9	8,17
Гонконг	3,1	12,2	17	10,2	11,2	5	9,5	9,74
Жан.Корея	7,7	18	25,6	16,4	18,1	14	13,7	16,21
Индонезия	2,8	10,9	28	37,2	5,1	12,3	20	16,61
Малайзия	8,3	4,8	25,5	9,6	24,5	11,5	11,8	13,71
Филиппин	6,3	3,1	8	7,4	11,2	9	11	8,00
Сингапур	2,2	8,4	27,3	16,3	17,6	11	11	13,40
Таиланд	4,6	17,4	25,7	25,9	7	8	10	14,09
Хитой	21,3	39,8	35,8	17,6	22	18	17	24,50

Манба: Жаҳон банки ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотлари

Ташқи савдо балансини таҳлил қиласар эканмиз, ушбу мамлакатларнинг бу борадаги кўрсаткичи турлича бўлиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Гонконг ва Филиппинда бу кўрсаткич 7 йил давомида барқарор салбий бўлиб келган. Агар Гонконгда 2006-2008 йилларда экспорт ва импорт ҳажми деярли (- 15, -20, -20 млн. АҚШ доллари) тенглашган бўлса, Филиппинда у фақат салбий томонга ўсиб борган ва 2008 йилга келиб 10 млрд. 795 млн. АҚШ долларига етган. 2002 йилда ташқи савдо қолдиғи Сингапур ва Жанубий Кореяда мос равишда 18,8 ва 14,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2008 йилгача у мунтазам ортиб Сингапурда 50.5 млрд. доллар, Жанубий Кореяда 37.9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди . Хитой ташқи савдо баланси ушбу йиллар давомида ҳамиша ижобий бўлиб, 2002 йилда 44,2 млрд. доллардан 2008 йилга келиб 256,8 млрд. долларгача ортиб борган.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланишида, ташқи иқтисодий алоқаларининг тараққиётида олтин-валюта заҳиралари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Юқоридиги мамлакатларнинг олтин-валюта заҳиралари ҳажмига эътибор қаратадиган бўлсак, 2002-2006 йилларда у деярли ҳамиша кўпайиб борди. Энг кўп олтин-валюта заҳирасига 2006 йил бўйича Хитой ва

Жанубий Корея эга – мос равишда 1068,5 млрд. АҚШ доллари ва 238,88 млрд. АҚШ доллари.

Қисқача хulosса чиқарадиган бўлсак, ҳозирги кунга келиб Хитой иқтисодиёти жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди, чунки яrim асрлик давр ичида мамлакат жаҳон иқтисодий тизимининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Хитой – жаҳоннинг энг йирик мамлакатларидан бири бўлиб, ер майдони 9,6 млн км.кв.га яқин, бу ер шарининг 6,5 фоизини ташкил этади. Ер майдони бўйича Хитой Россия ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Хитой аҳолисининг сони бир миллиард уч юз миллион кишини ташкил этади.

Ислоҳот йилларида Хитой иқтисодий тизими чукур ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўзгаришлар нархнинг шаклланиши тизимида амалга оширилди. Кўплаб турдаги маҳсулотларнинг нархлари эркин нархларга айланди. Истеъмол товарлари бўйича бозор нархлари улуши 90%га, ишлаб чиқариш воситалари бўйича – 80 % га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича – 85%га етди.

Солик, банк, валюта ва инвестиция тизимлари қайта ташкил этилди. Кўшимча қийматга солик, корхоналар учун ягона даромад солиғи, марказий ҳукумат ва маҳаллий маъмуриятлар ўртасида солиқларни тақсимлаш тизими жорий этилди. Бунда солик тушумларининг қўп қисми марказ улушкига тўғри келади.

Хорижий валюталарнинг расмий ва бозор курслари бекор қилинди ва бозор билан тартибга солинувчи ягона “сузиб юрувчи” курслар киритилди.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодий ҳаётида тобора кўпроқ роль ўйнаётган бозор механизми шаклланмоқда. Давлат бошқарув режалари билан тартибга солинувчи саноат маҳсулоти турларининг улуши 1978 йилда 95% дан ҳозирги вақтда 5%гача камайди.

Режали тизим бевосита бошқарувдан билвосита бошқарувга, натурал кўрсаткичлар устунлигидан қиймат кўрсаткичлари устунлигига, жамоа

мулкчилигидаги корхоналар назоратидан барча мулк шаклларидағи корхоналарни назорат қилишга ўтмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бундай кенг кўламли ижобий натижаларга олиб келган асосий омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатнинг ташқи дунёга босқичма-босқич интеграциялашуви;
- ислоҳ қилишнинг асосий усули сифатида иқтисодиётнинг бутунлай эркинлаштирилиши эмас, балки бозор иқтисодиётига босқичма-босқич тажрибавий текширувлар билан ўтилиши;
- ислоҳотларнинг дастлабки йилларидаги амалиёт шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиётига табиий ўтиш йўли –мулкчиликнинг турли шаклидаги, яъни жамоат, шахсий, хусусий, қўшма (хориж иштирокидаги) хўжаликларнинг ривожлантирилиши;
- ҳукумат миллий ва хорижий тажрибани ўрганиб, ислоҳотни ўзга кўрсатмалар бўйича эмас, балки мамлакат хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш зарур, деган холосага келди ва «хитойча хусусиятли социализмни қуриш» йўлига қатъий туриб олди.

Глобаллашув шароитида Хитой иқтисодий ривожланиш дастурининг муҳим йўналишларидан бири – бу мамлакатни жаҳон хўжалиигига, шу жумладан халқаро савдо тизимиға интеграциялашуви стратегияси ҳисобланади.

Хусусан, Хитой ташқи савдосини ривожлантиришнинг асосий стратегияси савдони либераллаштиришни ўз ичига олган қарорлар қабул қилинишини аста-секин номарказлаштиришдан иборат.

Хитой амалиётида «икки йўлли» ёндашувдан фойдаланилган. Унинг маъноси бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг мавжуд режалаштириш йўли билан параллел қурилишидан иборат.

Бу ёндашув қарорлар қабул қилишнинг деярли барча соҳаларига: иқтисодиёт тармоқларидаги ислоҳотлар, нархларни давлат аралашувисиз белгилаш, корхоналарни қайта ташкил этиш, минтақавий ривожланиш,

савдо ривожланиши, валюта айирбошлишни бошқариш, марказ ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида фискал муносабатлар, миллий валюта чиқарилишига тааллуқлидир. «Икки йўлли» ёндашувнинг оддий жараёни қуидагиларни назарда тутади:

- нисбатан паст режали нархлар бўйича давлатга етказиб бериш ҳажмларини ўзгартирмай эркин бозорни очиш;
- бозор нархлари даражасига чиқиши мақсадида режа нархни аста-секин ўзгартириш. Режали нархлар бўйича режалаштирилган етказиб беришларга, агар уларнинг ҳажми вақт ўтиши билан пасаймаса, квота белгиланади. Одатда нархларнинг икки тури қўлланилганда «шок» (бузилиш) кузатилмайди.

УСТга қўшилиш арафасида Хитойда товарлар ва хизматлар савдоси ўн йиллик мобайнида ўртacha жаҳон кўрсаткичларидан икки баравардан ортиқ суръатлар билан ўсиб борди. Ҳозирги вақтда унинг ҳиссасига жаҳон товар экспортининг қарийиб 4фоизи ва импортнинг 3,5 фоизи тўғри келади<sup>3</sup>.

Хитойнинг УСТга қўшилиши кўп томонлама савдо меъёрлари қабул қилинишининг унинг савдосига ва иқтисодий ривожланишига таъсир этиши ҳақидаги масалани биринчи ўринга кўтарди. Хитой учун УСТга қўшилиш, энг аввало, ташқи савдо режимининг эркинлаштирилишини ва бозорларининг янада кучли ташқи рақобатга киришини англатарди.

Ушбу масалаларни тарихий тажрибанинг янада кенгрок доирада кўриб чиқиши учун унинг УСТга қўшилиш шароитларидан келиб чиқувчи Хитой савдосини эркинлаштириш хусусиятлари ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда “шокли” эркинлаштиришнинг характерли белгилари қиёсий таҳлил қилиш фойдалидир. Энг аввало, шуни таъкидлаш зарурки, УСТга қўшилиш шароитида Хитойда савдо режимини эркинлаштириш музокаралар жараёнида келишиб олинган унинг савдо шерикларининг муайян узоқ муддатли фойдалари ва ён босишларини назарда тутувчи

---

<sup>3</sup> Бу ерда Гонконг ва Макао маъмурӣ худудлари хамда Хитойнинг Тайванъ провинцияси маълумотлари ҳисобга олинмаган.

шартлар пакетининг бир қисми ҳисобланади. Уларга, жумладан унинг савдо бўйича энг йирик шериги - АҚШ томонидан доимий нормал савдо муносабатлари мақомининг берилиши ва пировардида келишилган муддатлар доирасида Хитой экспортига нисбатан камситувчи УСТ қоидаларига мос бўлмаган чораларнинг бекор қилиниши киради.

Иккинчидан, эркинлаштириш суръатларини таққослаш мумкин. Эркинлаштириш чораларининг асосий қисми Хитойда унинг УСТга қўшилишидан кейинги дастлабки йилларда амалга оширилган (Хитойнинг ички бозорини очиш бўйича мажбуриятлари эса радикал характерга эга). Улар ҳозирги вақтда пухта ҳимоя қилинадиган иқтисодиёт тармоқлари – қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар соҳаларига тегишли. Шу билан бирга, Хитой УСТга қўшилганидан кейинги эркинлаштириш чоралари, айниқса унинг импорт режимига тегишли чоралар амалда ўн йил аввал бошланган жараённинг бир қисмини ташкил этади. Кўшилишдан аввал Хитойда тариф ва нотариф чоралари (ТНЧ) сўнгги бир неча йил давомида импортни қоплаш стратегиясини амалга ошириб келган айрим ривожланаётган давлатларга нисбатан қатъий бўлмади. Бундан ташқари, Хитой савдосида ҳанузгача устунликка эга бўлган экспорт йўналиши хорижий бозорлар билан бевосита боғлиқ, айниқса хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИИК) фаолият юритаётган соҳаларда жиддий эркинлаштиришни назарда тутар эди<sup>4</sup>.

---

<sup>4</sup> ХИИКлар тоифасига акциядорлик қўшма корхоналари, тўлиқ хорижий мулк иштирокидаги корхоналар ва маҳсус қазиб олиш тармоқларидағи конларни қидириб топиш ва ишга тушириш бўйича қўшма компаниялар киритилган.

## 1.2. Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш моделининг асосий хусусиятлари.

Замонавий шароитда Хитой иқтисодиёти жаҳон ҳамжамиятининг дикқат марказида турибди, чунки ярим асрлик давр ичидаги мамлакат жаҳон иқтисодий тизимининг тўла ҳукуқли аъзосига айланди. Хитой - жаҳоннинг энг йирик мамлакатларидан бири бўлиб, ер майдони 9,6 млн км.кв.га яқин, бу ер шарининг 6,5%ини ташкил этади. Ер майдони бўйича Хитой Россия ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Хитойнинг аҳолиси сони бир миллиард уч юз миллион кишини ташкил этади

Хитой иқтисодиётининг қўшимча ўсиши 2006 йил 1-январь ҳолатига иқтисодчиларнинг барча кутишларидан зиёд бўлди. Инвестицияларнинг қўшимча ўсиши ва экспорт ҳажмининг ортиши натижасида ЯИМ 9,5%га ўсди. Бундай саноат ўсишининг асосий сабаблари Хитой маҳсулотига муутазам ошиб бораётган талаб ва арzon ишчи кучи ҳисобланади.

Жаҳон глобаллашуви шароитида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишида мамлакат олдида турган муаммолар: халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва қолоқ ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасидаги зиддиятлар, кучли минтақалараро тафовутларнинг сақланиб қолиши, аввалгидек камбағал аҳоли улушининг катталиги, катта ёшдаги аҳоли улушининг ўсиб бориши, ишга жойлаш ва ижтимоий таъминот муаммоларининг сақланиб қолаётганлиги. ХКПнинг XVI съездидаги муаммоларни фақат модернизацияни «учинчи қадами»нинг стратегик вазифаларини ва «тўқ жамият» (сяокан шэхуэй)ни қуриш вазифасини амалга ошириш асосида ҳал этиш мумкин деб эълон қилинди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун иқтисодий соҳада 2020 йилга келиб ялпи ички маҳсулотни 2000 йилга нисбатан 4 марта (расмий валюта курси бўйича ҳисоблаганда - 4 трлн долл.дан ортиқ) кўпайтириш, мамлакатнинг ялпи кудратини ва халқаро

рақобатбардошлигини жиддий кучайтириш, бозор иқтисодиётининг ва мукаммал тизимини ва эркин савдони яратиш кўзда тутилган.

Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишида Хитой сўнгги 20 йил ичида ўзининг ташқи савдо кўрсаткичларини ҳам, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ҳам яхшилашга эришди. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, айниқса савдо режимларини ва капитал операциялари ҳисобини кескин эркинлаштиришни амалга оширган мамлакатларда ташқи савдо баланси ҳолати ёмонлашди ва иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди. Хитой эса айрим кичик мамлакатлар билан бирга умумий тенденцияга қарши йўл тутиб, импортга қараганда экспортни тезроқ кенгайтириб борди, хорижий инвестицияларга таянмаган ҳолда ўсишиш тезлаштириб борди. УСТга қўшилиш арафасида Хитой товарлар ва хизматлар савдоси ўн йиллик мобайнида ўртacha дунё кўрсаткичлардан икки мартадан зиёд ортиқ суръатлар билан ўсиб борди. Хрзирги вактда унинг ҳиссасига жаҳон товар экспортиning деярли 4% ва импортнинг 3,5% тўғри келади<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, Хитой савдосида ҳанузгача устунликка эга экспорт йўналиши хорижий бозорлар билан бевосита боғлиқ, айниқса хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИИК) фаолият юритаётган соҳаларда жиддий эркинлаштиришни назарда тутар эдиб.

Бироқ бу Хитойнинг импортни қоплаш стратегиясидан ташқи йўналиш стратегиясига тез ўтган мамлакатлар бошига тушган қийинчиликлардан ҳимояланганлигини англатмайди. Хитой иқтисодиёти икки маъноли саноат тузилмасига эга. Экспортга йўналтирилган юқори рақобатбардош, ХИИКлар устунлик қилувчи ва меҳнат талаб маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ишлов берувчи саноат сектори билан бир қаторда анча анъанавий капитал

<sup>5</sup> Хитой 2001йил декабрда УСТга аъзо бўлиб кирди. Бу ерда Гонконг ва Макао маҳсус маъмурий худудлари ҳамда Хитойнинг Тайвань провинцияси маълумотлари ҳисобига олинмаган.

<sup>6</sup> ХИИКлар категориясига акционерлик - қўшма корхоналари, тўлик хорижий мулкдаги корхоналар ва маҳсус қазиб олувчи тармоқлардаги конларни излаб топиш ва ишга тушириш бўйича қўшма компаниялар киритилган.

сифимли саноат тармоғига эга бўлиб, бу тармоқда давлат корхоналари (ДК) устунлик қиласи. Шунингдек ҳукумат томонидан жиддий қўллаб-кувватловчи ва ҳимояланувчи қишлоқ хўжалик сектори мавжуд. ДКларига Хитой экспортининг тахминан ярми тўғри келса, уларнинг сотувлари асосан ички бозорларга йўналтирилган. Бир неча йил давомида ДК сектори трансформация ва тузилмавий қайта қуришларни бошдан кечирди, бироқ ислоҳотлар жараёни ҳали тугалланмаган. Шундай қилиб, савдо тўсиқларининг тез йўқотилиши ва субсидияларнинг бекор қилиниши ДКни хорижий рақобатчилар билан яккана-якка қолишларига олиб келиши мумкин. Бу эса уларнинг экспорт фаолияти динамикасини издан чиқариши, шунингдек импорт кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу нафақат тўлов баланси учун муаммоларни туғдириши мумкин (заиф экспорт базасига эга кўпчилик давлатларда рўй берганидек), балки ДК ходимларининг бандлиги ва турмуш даражаси учун ундан ҳам кўпроқ муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Ва ниҳоят, савдони эркинлаштириш жараёнининг таъсири алмашув курси режимини бошқаришга боғлиқ бўлиб, бу жиҳатдан Хитойнинг аҳволи кўпгина ривожланаётган мамлакатларга нисбатан анча қулайроқ. Тўлов соҳасидаги қийинчиликлар ва жиддий ўзгаришлар вужудга келишини олдини олиш учун импорт режимини эркинлаштирилишини валюта девальвацияси билан бирга ўтказиши тавсия этадилар. Бироқ қатор ривожланаётган мамлакатларда импорт режимларининг эркинлаштирилиши капитал билан операциялар ҳисоби режимининг эркинлаштирилиши билан бирга олиб борилди ва бу кўпинча дастлабки даврда қисқа мудатли, ликвидли капиталнинг кириб келишини рағбатлантириди. Бундай капитал кирими уларнинг ўсиб борувчи савдо камомадларини молиялаштиришни енгилаштиришига қарамай, айни вақтда у алмашув курсига босим кўрсатади, рақобатбардошлиқ даражаси ва экспорт кўрсаткичларини пасайтиради ва пировардида тўлов соҳасида қийинчиликлар ва молиявий инқирозлар туғдиради. Хитой эса тўлов соҳасида кучли ҳолатларга ва бевосита хорижий инвестицияларнинг йирик ҳажмига эга, демак, ҳатто импортни кескин

оширган тақдирда ҳам тўлов қийинчиликларига учраши амри маҳол. Бу унинг нисбатан чекланган капитал операциялар ҳисоби билан биргаликда Хитойнинг ўз алмашув курсини яхши бошқариш ва бу орқали УСТга кўшилгандан кейин тузилмавий тузатишларни осонлаштириш учун умуман ўз валютасини, капитал ва молия оқимини қатъий назоратини саклашга имконият бериши керак.

Тарифли ва нотариф чораларни ўзгариши. Хитой ўз тарифларини УСТга қўшилишига қадар анча қисқартириди. 1993 йилдан 1998 йилгача унинг тариф ставкалари 2 мартадан ортиқ қисқартирилди.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсадида Хитойда ислоҳотлар йилларида божхона божларини фаол пасайтирилиб борилди. 1996 йил 1 апрелда Хитой хукумати томонидан 4971 та товарларга импорт тарифлари пасайтириди. Натижада божхона божлари ставкаси ўртacha 35%дан 23% га пасайди. 1997 йил 1 октябрда импорт божлари яна 4874 номдаги товарларга пасайтирилади. Ўртacha ҳисобда пасайиш диапазони 23%дан 17%га тушди. 2001 йил январидан Хитой хукумати ташаббуси билан 3462 та товарларга божхона божларини пасайтирилди ва уларнинг даражаси 15,3% га етказилди.

Тарифларни ялпи импортга нисбати кўрсаткичи орқали ҳисобланган самарали тариф ставкаси 1999 йилнинг биринчи ярмида 4,5ни ташкил этди; 2001 йил бошида эса қўшимча қисқартиришлар амалга оширилди. Ушбу қисқартиришларнинг кўпчилиги саноат секторида қайта ишлашга мўлжалланган қисмлар ва компонентларга тегишли бўлса, хомашё товарлари, хусусан қишлоқ хўжалик махсулотлари бўйича ўртacha тарифлар эса деярли ўзгармади. Кўшилгунга қадар ХИИКлар импорт қилувчи қисмлар ва компонентлар одатда бож тўловларидан озод этилар эди, лекин ишлов берувчи саноатнинг кўпгина тайёр махсулотлари турлари айrim ҳолларда анча юқори бўлган бож тўловларига тортилар эди.

2002 йил Хитойнинг УСТга киргандан кейин биринчи йили импорт божларининг умумий даражаси 43,2%(1992й.) дан 12% га тушди ва анаънавий юқори божхона божлари сиёсатини ўзгаришига олиб келди.

Шуни таъкидлаш зарурки, тарифларни босқичма-босқич қисқартиришни амалга ошириш учун 2005 йилгача ва ҳатто ундан кейинги давр кўзда тутилган бўлсада, тарифларни ва ТНЧни камайтиришнинг асосий қисми қўшилгандан кейин тез орада, баъзи ҳолларда эса қўшилиш вақтида амалга оширилиши зарур эди. Яқин икки йил мобайнида кўпгина турдаги қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари, жумладан юқори даражада ҳимоя қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, автомобиллар ва қайта ишлаш саноатининг меҳнатталаб маҳсулотларига тарифлар қисқартирилади. Аъзо бўлиб киришда импортнинг 377 туридан 162 тасига нисбатан НТМ бекор қилинган, кейинги икки йил мобайнида яна 75 туридан олиб ташланади. Аъзо бўлишда импорт лицензиялари бутунлай бекор қилинган.

Импорт билан рақобат қилаётган соҳаларга босим фақатгина савдо тўсиқлари камайтирилиши туфайли эмас, субсидияларни бекор қилиниши ёки камайтирилиши туфайли ҳам вужудга келади. Аъзо бўлиш тўғрисидаги Баённомага мувофиқ, Хитой УСТнинг субсидиялар ва компенсацион чоралар тўғрисидаги келишувининг 3 бандига тўғри келадиган барча субсидияларни, яъни экспорт фаолияти ёки импорт маҳсулот ўрнига миллий ресурслардан фойдаланганлик учун бериладиган "махсус" субсидияларни бекор қилди. Бу мақсадда ДКга бериладиган барча субсидиялар, агар ДК "бундай субсидияларни олувчи асосий корхоналар бўлса" ёки улар "йирик миқдорда субсидия олсалар" бекор қилинади. Бу субсидиялар "махсус" субсидиялар ҳисобланади, чунки хусусий корхоналар бундай субсидия олишмайди. Қишлоқ хўжалигига миллий ишлаб чиқарувчиларни маҳсулот қийматининг 8,5 фоизигачаси миқдорида қўллашга рухсат берилади, бироқ бошқа барча субсидиялар, айниқса экспорт фаолияти билан боғлиқ субсидиялар бекор қилинади. Хитой шунингдек Келишувнинг савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги 5 бандида кўрсатилган қоидаларга амал қилишга ва

импортни экспортни валюта тушумлари ва маҳаллий қисмлардан фойдаланиш билан боғлаш, экспорт ёки ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари талабларини бекор қилишга рози бўлди.

Давлат савдоси ва дискриминацияга йўл қўймаслик. Аъзо бўлганидан сўнг Хитой уч йил мобайнида УСТнинг давлат савдо корхоналари тўғрисидаги (ГАТТнинг XVII банди) ва миллий, хорижий ва хусусий шахсларга бир хил ҳукуқлар берилиши тўғрисидаги қоидаларга (ГАТТнинг III банди) амал қилиб бошлиши керак. Бу қоидалар савдо корхоналари ва ДК операциялари тижорат асосида амалга оширилиши лозимлигини англаради. ДКга ишлаб чиариш ресурслари ва тайёр маҳсулотлар сотиб олиш ёки сотишда, нархлар белгилашда ёки давлат харидларини амалга оширишда ҳеч қандай алоҳида қулай шароитлар яратилмаслиги лозим. Аммо импортга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бешта категорияси (дон, ўсимлик ёғлари, шакар, тамаки ва пахта), хом ва қайта ишланмаган нефт ва кимёвий ўғитларга давлат савдоси сақланиб қолади. Худди шундай тарзда бир қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, чой, гуруч, жўхори ва соя), минерал хом-ашё ва қайта ишлаш саноатининг меҳнатталаб маҳсулотлари (жумладан шойи 2005 йилгача, пахтали иплар ва баъзи бир тола турлари) олдингидек давлат савдо корхоналари томонидан экспорт қилиниши мумкин.

Хитой шунингдек савдога ҳукуқларни аста-секин барча фирмаларга, шу жумладан хорижий фирмаларга ёяди ва уч йил мобайнида уларга "миллий режим" бериш учун барча чораларни кўради. Бошқача айтганда, барча хорижий фуқаро ва корхоналарга миллий корхоналар билан бир хил шароитлар яратилади (Баённоманинг 5 банди). 5- банд шунингдек, Хитойга уч йил мобайнида "ваколатли савдо операциялари" деб ном олган, чекланган миқдордаги савдо фирмаларига маълум жуғрофий минтақада савдо қилиш ҳукуқини берувчи қоидаларни бекор қилиш мажбуриятини юклайди.

Ва ниҳоят, хизматларнинг кўплаб секторларида хорижий инвестициялар киритиш режими аста-секин либераллаштирилади. Масалан, аъзо бўлиш вақтида маълум бир шаҳарларда телекоммуникация соҳалари корхоналарида

хорижий инвестициялар иштироки 25 %га чекланган эди. Уч йил мобайнида бу кўрсаткич 49%гача кўтарилиши лозим. Беш йил мобайнида барча жуғрофий чекловлар бекор қилинади. Худди шундай мажбуриятлар банк ва сугурта соҳаларида ҳам қабул қилинган.

Жаҳон молиявий инқирозининг ўсиб бориш тенденциялари ва оқибатлари Хитой иқтисодиётининг ўсиш суръатларига ўз таъсирини ўтказмоқда. 2008 йилда XXРнинг иқтисодий ўсиш суръатлари охирги 7 йилдаги энг паст кўрсаткичларни – 8,2%ни ташкил қилди. 2008 йил давомида Хитой экспортининг ўсиш суръатлари 4,8%га қисқарди. Ўтказилган тадқиқотлар ва баҳолашлар натижасида хитой иқтисодчилари шундай фикрга келдиларки, бундан ҳам оғирроқ оқибатларнинг олдини олиш учун XXР иқтисодиёти зудлик билан молиявий маблағлар киритилишига муҳтоҷ. Натижада, Хитой ҳукумати 2008-2010 йилларда миллий иқтисодиётни рағбатлантириш учун 4 трлн юань (586 млрд долл.) ҳажмда моливий маблағ ажратишига қарор қилди. Бундай қарор ғарб эксперт доираларда маълум резонанс ҳосил қилди, улар рағбатлантириш пакетининг Хитой иқтисодиётига, ва айниқса давом этаётган моливий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ва савдосига таъсир оқибатларини башорат қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Хитойнинг 586 млрд долларлик рағбатлантириш пакети асосан маҳаллий ҳукуматлар ва корхоналар маблағлари ҳисобига шакллантирилади. XXРнинг марказий бюджетидан атиги 173 млрд доллар ажратилади.

Хитой ва унинг кризисга қарши қўраётган чораларига кўрсатилаётган бундай катта эътиборни шу билан изоҳлаш мумкинки, қўп йиллар давомида XXРдаги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва товар айирбошлиш ҳажмининг катта тезликда ошиши ғарб мамлакатлари иқтисодиётларининг “сусткаш” ўсиш суръатларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмоқда эди. Бундан ташқари, жуда катта тезликда ривожланаётган иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг “локомотиви” ролини бажармоқда эди. Халқаро валюта

фондининг маълумотларига кўра 2007 йили жаҳон иқтисодиёти ўсишининг 27% Хитойга тўғри келди.

Бироқ, бутун жаҳонда, биринчи навбатда АҚШ ва Европада харид қобилиягининг кескин камайишига олиб келган глобал молиявий инқизор шароитида, экспортга йўналтирилган хитой иқтисодиёти жиддий қийинчиликларга дуч келди. Хитойдан саноати ривожланган мамлакатларга экспортнинг қисқариши унинг иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатди.

Хитой Иқтисодий Форумида таъкидланганидек, 8% иқтисодий ўсиш - бу миллий иқтисодиётнинг нормал фаолият кўрсатиши ва мамлакатда ижтимоий-сирёсий барқарорликни сақлаш учун зарур бўлган чегаравий кўрсаткичdir. Хитой эксперталарининг фикрича, иқтисодий ўсишнинг бундан кам бўлган суръатлари аҳоли ўсишининг ҳозирги кўрсаткичларида ва ишчи кучининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга миграцияси шароитида иш жойлирини таъминлай олмайди. Ишсизликнинг қўпайиши эса, тажрибадан маълум, ўз навбатида аҳоли ўртасида оммавий норозиликларга олиб келади ва ички нобарқарорликнирнг жиддий омилига айланади.

XXР хукуматининг ички хавфсизлик ва ижтимоий барқарорлик масалаларига алоҳида эътибори ҳисобга олинса, худди шу омил молиявий қўйилмалар шаклидаги инқизорзга қарши чоралар қабул қилишда ҳал қилувчи омил бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Рағбатлантирувчи молиявий пакетнинг қабул қилиниши, биринчи навбатда, хитой ички бозори ҳажмини ошириш, ички талабни қўпайтириш, маҳаллий аҳоли харид қобилиятини яхшилаш, экспорт қувватларини кучайтириш, янги иш жойлари яратиш ва ҳ.к. орқали мамлакатдага ички вазиятни яхшилашга йўналтирилган.

10 та дастур бўйича тақсимланган рағбатлантириш пакетининг маблағлари турли вазифаларни бажарувчи Хитой инфратизилмасини ривожлантиришга йўналтирилади. Хусусан, барча молиявий маблағларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми, яъни 1 трлн юанни (деярли 146,5 млрд. долл.) транспорт-коммуникация ва энерегетика инфратизилма лойиҳаларни – янги йўйларни,

темир йўл магитсралларини, аэропортларни, электр узатиш тармоқларини(ЛЭП), атом электростанцияларини (АЭС) ва ҳ.к. қуришни амалга оширишга инвестиция қилиш режалаштирилмоқда. Улардан 100 млрд. юани (14,7 млрд долл.) 2008 йил давомида ўзлаштирилди. Алоҳида эътибор ижтимоий инфратизилмани такомиллаштиришга – таълим ва соғлиқни сақлаш объектларини, шунингдек уй-жой фондини қуришга қаратилмоқда. Бунда, асосий устуворлик мамлакатнинг қишлоқ ҳудудларига ва ички провинцияларга ажратилади. Шу билан бирга рағбатлантириш пакети мамлакатнинг турли шаҳарлари ва провинцияларидаги камбағал уй хўжаликларига имтиёзлар билан бир қаторда, буғдой сотиб олиш учун квоталарни оширишни ва фермер хўжаликларига субсидиялар ажратишни кўзда тутган.

Иқтисодий ислоҳотлар ва либераллаштиришни чуқурлаштириш доирасида ХХР ҳукумати рағбатлантириш пакети ёрдамида кичик ва ўрта бизнес колхоналарига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширишни режалаштирулмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Хитойнинг ўрта ва кичик корхоналарида шаҳарлар ва шаҳарлар типидаги поселкалар ишчи кучининг, ҳамда деҳқон мигрантларнинг 75% банд. Мамлакат ЯИМнинг 60% кичик ва ўрта бизнес ҳисобига таъминланади. Лекин, ислоҳотларнинг жадаллашганлиги ва 2001 йили УСТга киргандан кейинги очиқ иқтисодиёт сиёсатига қарамай, хитойнинг кичик ва ўрта бизнеси энергетика, металлургия, транспорт ва молия каби давлат корпорациялари томонидан монополлаштирилган соҳаларга кириш имкониятига эга эмаслар. Бундан ташқари, хитой хусусий фирмалари Хитойнинг тўртта асосий миллий банкларидан кредит ва ссудалар олишда ҳамон қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунинг учун ХХРнинг Давлат кенгashi рағбатлантириш пакети маблағларининг бир қисмини кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун ажратишга қарор қилди.

Шуниси эътиборлики, коррупцияга қарши мақсадларда ва рағбатлантириш пакети маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш

мақсадида Хитой Коммунистик партиясининг Марказий комиссияси XXРнинг назорат ва бошқариш Вазирлиги билан ҳамкорликда ажратилган 586 млрд.долл. маблағ сарфини мониторинги бўйича маҳсус гурух туздилар.

Шу билан бирга жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этиш дастури доирасида Хитой ҳукумати мамлакатда умумий солиқ юкини пасайтиришга йўналтирилган солиқ сиёсатини ўтказишни режалаштирумокда. Хусусан, даромад солиги ставкаларини пасайтириш мўлжалланмоқда. Натижада, яқин икки йил ичидаги хитой ғазнасига ўтган йилга нисбатан 300 млрд. юанга (44,4 млрд.долл.) кам маблағ келиб тушади. Бу фарқни ҳам рағбатлантириш пакети ҳисобидан қопланиши мўлжалланмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ғарб мамлакатлари, биринчи навбатда АҚШ, ҳамда молиявий ташкилотлар хусусан, Халқаро валюта фонди, глобал молиявий инқироз муаммоларини ҳал қилишда Хитойдан фаолроқ халқаро иштирокни кутмоқдалар. Бироқ Хитой ҳукуматининг фикрича, мамлакат ичидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши жаҳон иқтисодиёти ҳолатини яхшилашга қўшилган энг катта ҳисса бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юкорида айтиб ўтилган миллий иқтисодиётни рағбатлантириш чоралари халқаро эксперталар томонидан Хитой тарихида мисли кўрилмаган, шу билан бирга ҳал қилувчи ва ўз вақтида кўрилаётган чоралар деб тавсифланмоқда. Бу чораларнинг биринчи натижалари 2009 йилнинг охиридаёқ намоён бўла бошлади. Лекин Хитой иқтисодиётида ҳали ҳам маълум қийинчиликлар ва иқтисодий ўсиш, экспорт ҳажмларининг ошиши каби макроиктисодий кўрсаткичларнинг пасайиши, шунингдек ишсизликнинг ва инфляциянинг ошиши кузатилмоқда.

Шундай қилиб, кейинги даврларда Хитойнинг иқтисодий ҳолати Пекиннинг алоҳида сиёсати ёки инвестициялар ҳажмига эмас, қўп жиҳатдан, АҚШ ва ЕИ бозорларидағи вазиятнинг яхшиланишига боғлиқ. Бугунги кунда XXРнинг ички бозори хитой иқтисодий ўсишининг “ҳаракатлантирувчи кучи” бўлган экспортнинг асосий истемолчилари бўлган ғарб бозорларига тенг кела оладиган даражада ривожланмаган.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, бу вазиятни ўзгартиришга кўп жиҳатдан хитой провинцияларини ривожлантириш ва Осиё минтақасининг янги индустриал мамлакатлари, шу жумладан, Хитойнинг энг катта савдо ҳамкорларидан бўлган Тайвань билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш анча ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

## **2-боб. Тайваннинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва ривожланиш омиллари.**

### **2.1. Тайвань иқтисодининг ривожланиш босқичлари ва омиллари.**

Тайвань – бу майдони 35 980 км<sup>2</sup> бўлган, Тайвань, ва шарқий хитой денгизининг жанубий қисмидаги оролларни ўз ичига олган давлат бўлиб, расмий равишда жаҳон ҳамжамияти томонидан Хитой Халқ Республикасининг провинцияларидан бири деб тан олинган. Маъмурий маркази - Тайбэй.

Осиёнинг тўрт янги индустриал мамлакатлари қаторига кирувчи Тайвань охирги йилларда ташқи иқтисодий алоқаларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш манфаатлари учун самарали фойдаланиш намунасини муваффақиятли намойиш қилди. Бу ерда бошланган, импорт ўрнини босиш сиёсатидан экспортга йўналганликда намоён бўлган, хўжадик механизмини қайта қуриш танланган моделнинг афзалликларини исботлади ва Тайванни нафақат Осиё-Тинч океани худудида, балки бутун дунёда ташқи савдо бўйича етакчи давлатлардан бирига айлантирди. Охирги 15 йил мобайнида орол иқтисодиёти ниҳоят тезкор ривожланмоқдаки, барча кўрсаткичлар 10-15 маротабага ошди.

Тайваннинг умумий стратегияси очиқ бозор иқтисодиётининг хусусий мулк ва давлат томонидан тартибга солиш билан бирга эркин тадбиркорлик қонунларга таянувчи ғарб моделига асосланган.

Тайваннинг индустриал ривожланишида хорижий капитал катта аҳамият касб этди. Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли, Тайвань хорижий инвестициялардан ва хўжалик ривожалнишини тезлаштириш учун трансмиллий корпорациялар эга бўлган афзаликлардан самарали фойдаланишга муваффақ бўлди.

Тайванда илмий-техникавий салоҳиятнинг “танловчи” стратегиясидан фойдаланиладики, бунда амалий натижаларга барча илмий-техникавий ресурсларни микроэлектроника, биотехнология, молеклар кимё, толали оптика ва ҳ.к. каби устивор йўналишларда жамлаш орқали эришилади.

Бироқ фан-техникани ривожлантиришдаги муваффақиятларга қарамай, Тайвань пиравард натижада илмий-техникавий тараққиётнинг бундан кейинги ривожланишини белгилаб берувчи фундаментла илмий-тадқиқотлар жамланган индустриал ривожланган мамлакатларга нисбатан анча кейинги ўринларни сақлаб келмоқда.

Тайвань мамлакати иқтисодининг ривожланиш тарихига назар соладиган бўлсак, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу давлат иқтисодиёт ва экспортнинг дунёдаги энг юқори ўсиш суратларига эга бўлиб, ҳозирда у Корея Республикаси, Сингапур ва Гонконг кирган Шарқий Осиёнинг “тўрт кичик иқтисодий аждаҳоси” янги индустриал мамлакатлар гуруҳига киради.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб орол тезкор иқтисодий ўсишни намоён қилмоқда. Бу давр мобайнида ЯММ 14 марта, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса, мисли қўрилмаган даражада 73 марта ўсади, бу қўрсаткич бўйича мамлакат жаҳонда 25-ўринни эгаллайди. Валютавий заҳиралар бўйича Тайвань Япониядан кейинги иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келмоқда. Савдо ҳажми бўйича(162 млрд АҚШ долл.) жаҳонда 14-ўринга чиқиб, Тайвань халқаро эътирофни қозона олди. Экспорт таркиби

95,5% саноат маҳсулотидан ташкил топган. Тайваннинг энг муҳим савдо ҳамкорлари қаторига АҚШ, Япония, Гонконг, ГФР ва Хитой кирган.

Саноат таркибида асосий ўринни микроэлектроника ва компьютер саноати, шунингдек нефтикимё, машинасозлик ва тўқимачилик саноатлари эгаллади. Компьютерлар, уларнинг блоклари ва электрон-хисоблаш техникасининг баъзи турларини ишлаб чиқариш бўйича Тайвань бошқа учта “осиё йўлбарсларидан” ўзиб, фақатгина илмий-техникавий тараққиётнинг тан олинган етакчиларидан бўлган Япония, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Франция давлатларидан ортда қолган. Шу билан бирга микроэлектроника ва компьютер саноатларида орол ЯММнинг ярмисидан кўпи ишлаб чиқарилади.

#### 6-жадвал.

**Тайвань иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (ўсиш суръатлари, % да)**

Йил	ЯММ	Инвестициялар	Экспорт	Аҳоли жон бошига даромад
<b>1967-80</b>	9,8	13,8	18,6	6,8
<b>1981-86</b>	8,0	1,9	12,5	6,2
<b>1987-90</b>	8,5	13,8	7,2	7,5
<b>1991-95</b>	6,4	8,7	6,1	5,4
<b>1996-2000</b>	5,8	9,1	2,4	7,5
<b>2001-2010</b>	5,4	8,7	2,2	6,9

Манба: Taiwan Statistical Data Book, 2010

Шуни таъкидлаш жоизки, охирги бир неча ўн йилликда орол иқтисодиёти йилдан йилга таассурот қолдирувчи ўсиш суратларини намойиш қилган ҳолда тез ва барқарор равишда ривожланди (йиллик ўртacha ЯИМ ўсиш суръати 6.3 %ни ташкил қилган). Натижада ЯИМ аҳоли жон бошига ППС бўйича 50-йилларда Нигерия ва Эфиопия даражасида бўлган бўлса, бугунги кунда Европа Иттифоқи ривожланган мамлакатлари даражасига яқинлашиб қолди (30 минг АҚШ долларидан кўпроқ). Умуман олганда, ўтиш даври Тайванда XX асрнинг иккинчи ярмида ҳақиқатда “мўжиза” деб аталди. Биргина 2008-2009-йилларда охирги 60 йил ичидаги иқтисодий инқироз туфайли жиддий зарбага учради (2009-йилда ЯИМ 1,9 %га тушиб кетди),

бироқ тезда бу ҳолатдан чиқиб кета олди ва қайта тиклади. Ўтган йилда ЯИМда 8 % ўсишга эришилди, кўчмас мулкка бўлган нархнинг ўсиши ўн йилликда энг катта натижани кўрсатди – 12 %.

Ушбу ҳолатда Тайваннинг интилувчи иқтисодий ўсишининг сабаби нимада? Оролнинг муваффақияти турли-туман омилларнинг бир бутун қатори билан тушунтирилади. Мастерфорех –В форекс ва савдо биржаси Академияси эксперtlарининг фикрича, Тайван “иқтисодий мўжиза”сининг энг муҳим сабаблари қуйидагилар<sup>7</sup>:

➤ Дастребаки капитал. Тайванга 1949-йилда Чан Кайши Мао Дзедун коммунистлари билан фуқаролик урушида мағлубиятга учраган пайтда омад кулиб боққан эди. Ўзи билан у нафақат Гоминдан партияси бошқарувини, балки унчалик кўп бўлмаган мамлакат олтин заҳираси ва қадимий хитой династияси хазинасини ҳам қўлга киритган эди. У қимматли саноат асбоб-ускуналарини ҳам унутмади. Бу ерда йирик капиталга эга кўплаб ишлаб чиқарувчилар, инженерлар ва юқори малакага эга ишчилар тўпланган эди.

➤ Иқтисодий стратегия ва ривожланишнинг устувор йўналишларининг ишончли танланганлиги. Узоқ вақт давомида Тайванда ягона ресурс, истисно сифатида ўзига ишонган тартибли ва етарли даражада малакага эга ишчи кучи арzon бўлган бўлсада, дастребаки ургу экспортга йўналтирилган енгил саноатга берилди, яъни энг қулай ишлаб чиқариш товарлари – кийимлар, газлама, юмшоқ ўйинчоклар ва бошқалар. Ушбу рақобат устунлигидан фойдаланган ҳолда Тайван жаҳон бозорига кўрина бошлади. 80-йилларда тўпланган тадбиркорлик тажрибаси ва инвестициялар асосида кейинги босқичга – металлургия, нефт-кимё саноатини ривожлантиришга ўтилди. Биргина ҳукуматнинг ўзи 20 млрд. долларлик имтиёзли кредит ажратди. Тайванъ биринчилардан бўлиб маҳсус иқтисодий зона ва технопаркларни яратиш йўлидан борди. Улардан энг йириклари – Синчжу бўлиб, унда 130 минг атрофида ишчилар меҳнат қилишади, ушбу технопарк оролнинг барча товар маҳсулотларининг 15%игачасини

---

<sup>7</sup> Андрианов В.Д. «Новые индустриальные страны» в мировом капиталистическом хозяйстве. М., 2000

таъминлаган. Натижада бутунги кунда компьютер ишлаб чиқаришда кичик Тайвань фақатгина Ярония, АҚШ, Германиядан ортда қолмоқда (машхур брендлари – Acer, Asus). Микрочиплар, DRAM-хотиралар, LCD-панеллар ишлаб чиқариш бўйича Тайван жаҳондаги лидерлардан бири ҳисобланади.

➤ Американинг оммавий ёрдами. “Тайван иқтисодий модели”ни яратишида АҚШнинг ҳиссаси сезиларли даражада юқори бўлди. Айтиш мумкинки, Тайванга яна омад келди. АҚШнинг Шарқий Осиёга стратегик қизиқиши, Корейс уруши, Вашингтонда бошланган “жаҳон эркинлашуви”, “совуқ уруш” вазиятида Тайван “эркин зона”га айланниб қолди.

➤ Иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий йўналганлиги. “Мўжиза” фақатгина ҳаракатдаги иқтисодий ўсишда намоён бўлмади, шу билан бирга у тезда тайванлик аҳоли ҳаёт тарзидা акс этди. Шундай қилиб, 1950-йилда 16,6 \$ни ташкил қилган аҳоли жон бошига даромад 145 \$гача ўсади.

➤ XXR билан алоқаларнинг яхшиланиши. Сўнгти йилларда Хитой-Тайван муносабатларида кескин бурилиш бўлди: тўғридан-тўғри почта ва трансрорт алоқаси ўрнатилди, савдо алоқалари, Тайвандан Хитойга йуборилувчи бир неча юзлаб маҳсулотлар, товарлар учун бож ва тарифлар қисқартирилди. Бугун айнан Хитой Тайвань экспорти учун асосий бозорга айланди (40 %).

Иқтисодий маъмурият ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёнида бошқариш қобилиятни жамиятнинг маданий, тарихий ҳамда миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда исботлади. Яхшиланиб борувчи ҳаёт даражаси, таълим ва ахборот имкониятлари босқиччма босқич шакллантирилди.

Тайвань омили Хитой Халқ Республикасида “ислоҳотлар ва очиқ эшиклар” сиёсатига ўтишда сезиларли даражада таъсир қўрсатди. Шундай қилиб, эркин иқтисодий зоналар Хитойда кўпчилик ҳолларда Тайван экспорт саноат зоналардан кўчирилди. Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш чоралари сиёсатини олиб боришда XXR тўлалигича тайвань модели сиёсатини тақрорлади.

Хитойнинг денгиз бўйи худудларини ривожлантиришда тайван компанияларининг ҳиссаси катта бўлди (XXРнинг йигирмадан ортиқ провинсиясида 40 мингдан ортиқ Тайван компаниялари фаолият олиб бормоқда). Тайван шу билан бирга Япониядан кейин Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида иккинчи инвестор ҳисобланади.

Давлат ушбу муваффақиятларга эришишда мулқдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва бозор муносабатлари асосларини шакллантиришда фаол иштирок этди. Шунингдек давлат солиқ, кредит ва валюта сиёсати унсурлари воситасида ташқи савдони рағбатлантириди ва тартибга солиб турди ҳамда давлат тизимини ривожлантириш учун бюджет манбаларини яратган ҳолда капитал тўплаш жараёнини қўллаб-куватлади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, ушбу “мўъжиза”нинг асосида тўғри танлаб олинган иқтисодий стратегия ётади. 1949 йилда бошланган иқтисодий ислоҳотлар ерга бўлган мулкчиликни ўзгартиришдан бошландики, бу ислоҳотлар давомида мусодара қилинган ер эвазига ўша вақтда вужудга келаётган давлат компанияларининг акциялар пакети берилди, шунинг билан бирга анча солиқ ва бошқа имтиёзлар берилди. Бу хусусий индустрисиал бизнесни очишга рағбатлантиридики, дастлабки босқичда давлат томонидан кредит ресурслари ва давлат ёрдами билан таъминлаш маҳаллий саноатнинг вужудга келиши ва ривожланишига асос бўлди. Бугунги куннинг муваффақиятларини кўп жиҳатдан таъминлаган Тайванъ индустрIALIZациясининг асосий хусусиятларидан бири кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллашдан иборат. Ҳозирда Тайванда 770мингдан ортиқ кичик ва ўрта компаниялар фаолият олиб боришимоқда, улардан 520 минги хизматлар ва савдо соҳасида, 150мингтаси эса экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари дирлар. Уларнинг иқтисодиёт учун аҳамият шу билан белгиланадики, бу корхоналар экспорт қийматининг 65%ни ва оролдаги бандликнинг 70%ни таъминлайдилар.

Бу мамлакат иқтисодий ривожланиш моделининг яна бир хусусияти давлат Тайванъ тадбиркорлик соҳасининг фаол ёрдамчиси ва асосий тартибга

солувчиси бўлиб ҳисобланади. Мамлакат компания ва корпорациялари молиявий қўйилмаларининг ярмидан кўпи (деярли 380 млрд. \$) хукуматнинг бевосита ёки билвосита назорати остидадир, телекоммуникация тизими, металлургия, темир йўллар, кемасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам – давлат тасарруфидадир; бундан ташқари давлат ер мулкнинг 70%га эгалик қилади, ва банк тизимини ҳамда тайван валютасининг айирбошлиш курсини қаттиқ назорат остида ушлаб туради. Барча бошқа соҳалар эркин бозор оқимиға ва хусусий тадбиркорликка тақдим этилдики, тез орада бунинг натижалари яққол кўринди.

Индустрлаштиришнинг бошланғич даврларида импорт ўрнини босиш стратегияси амалга оширилди. Бунда мамлакат ички бозорига етказилаётган товарлар ҳажмида импорт улушкини пасайтириш ҳисобига маҳаллий ишлаб чиқаришнинг суратлари анча ўси. Лекин, қисқа давр мобайнида шу нарса аён бўлдики, орол ҳудудининг нисбатан кичиклиги ва аҳоли сотиб олиш қобилиятининг пастлиги туфайли ривожланишнинг бундай модели самарасизdir.

Янги стратегияга ўтиш бир томондан, импортўрнини босувчи индустрлаштириш имкониятларининг чекланганлиги билан, бошқа томондан саноат салоҳиятининг ўсиши ва сифат жиҳатдан такомиллашганлиги билан белгиланди.

90-йилларнинг ҳамда ҳозирги молиявий инқирозга қарамай, бугунги кунда Тайванъ ривожданаётган мамлакатлар ичida экспортнинг кўпайиши билан боғлик даромад ўсишининг энг юқори кўрсаткичига эга: тайёр маҳсулот экспортининг 1 %га ўсиши миллий даромаднинг Тайванда 0,15%га, Сингапурда – 0,21%га, Гонконгда – 0,47%га, Ҳиндистонда - 0,08%га, Бразилияда – 0,01%га ўсишини таъминлайди.

Умуман олганда, ушбу стратегия мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини янада кенгайтириб, импорт ўрнини босиш сиёсатига нисбатан ўз афзалликларини намойиш этди. Шуни таъкидлаш

лозимки, экспорт ишлаб чиқариши ички тўлов қобилиятини кенгайтиришга имкониятлар яратади. Чунки экспортнинг асосий қисми аҳоли жон бошига даромад анча юқори бўлган бозорларга йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, ўсишнинг барқарор суратларини, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишини таъминлайди, саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ таркибини такомиллаштириш имконини беради.

Нихоят, экспорт ишлаб чиқаришини ривожлантириш кўпгина ижтимоий муаммоларни юмшатади. Бу ерда ҳам ички ва ташқи рақобат туфайли анъанавий ишлаб чиқаришнинг емирилиши содир бўлган бўса ҳам, бироқ экспорт мажмуасининг тез суратлар билан ривожланиши ишсиз қолган майда ишлаб чиқарувчиларни янги соҳаларга жалб қилиш имконини берди.

1-диаграмма



Манба: Taiwan Statistical Data Book, 2006-2010


Экспорт стратегиясини амалга оширишда ташқи ва ички бозорлардаги хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши муҳим роль ўйнайди. Ушбу омил технологик тузилма ва унумдорликни жаҳон андозалари даражасига кўтаришни талаб қиласиди. Айнан рақобат Тайванни илмий-техникавий тадқиқотларнинг тезкор ривожлантирилишини рағбатлантириди, чунки бу жаҳон бозорида ўз ўрнини сақлаб қолишга имкон беради.

Тайвань иқтисодиёти барқарор ўсиш билан характерланадики, сўнгги беш йил ичида ялми миллий маҳсулотнинг ўсиши, молиявий инқирозга қарамай, 90,2 млрд АҚШ долларини ташкил қилди (1-диаграмма)

Мамлакатнинг барқарор ривожланишига сиёсий ва ижтимоий барқарорлик омили ҳам албатта катта таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бу ерда барқарор иқтисодий ўсишни, кўп жиҳатдан оқилона давлат сиёсати таъминлади, худди Жанубий Корея ва Сингапурда бўлгани сингари, мамлакатда биринчи демократик президентлик сайловлари 2000-йилда ўtkазилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Тайвань давлатининг жаҳон хўжалигига кириб бориш даражаси ошиб бормоқда. Умуман олганда ушбу давлат ўз ижтимоий – иқтисодий ривожланишида ўзига хос йўлдан бормоқда ва ўзига хос моделга эгадир. Бундай улкан натижаларга эришишда пухта ўйланган иқтисодий сиёsat ҳамда мамлакатдаги иқтисодиёт институтлари катта ҳисса қўшганлар. Энг асосийси эса экспортга йўналтирилган ҳамда импортга имкон қадар боғлиқ бўлмаган иқтисодиётни яратиш бўлди. Натижада охирги ўн йилликда мамлакат ташқи савдо айланмаси 110,4 млрд АҚШ долларига, экспорт ҳажми 50,5 млрд АҚШ долларига, импорт эса, 65,8 млрд АҚШ долларига ошди (2-диаграмма)

2-диаграмма.




Бутунжаҳон иқтисодий форуми рейтинг натижаларига кўра Тайвань 2009-йилда ўз товарларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги бўйича барқарор бешинчи ўринда бормоқда.

Янги индустрисал мамлакатлар нафақат Осиё бозорларини назорат қилмоқдалар, балки Ғарб мамлакатлари бозорларига ҳам ўз таъсирларини ўтказмоқдалар.

Тайвань ҳозирги кунда жаҳондаги 170 дан ортиқ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатган. Мамлакатнинг асосий ҳамкорлари Хитой, Россия, АҚШ, Осиё индустрисал давлатлари, ЙИ мамлакатлари ва бошқалар ҳисобланишидаи (3-диаграмма).

3-диаграмма.



Манба: Taiwan Statistical Data Book, 2010

Ислоҳотлар мобайнида Тайваннинг экспорт ва импорт таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Электроника ва оптика, оргтехника, нефть – кимё, кийим – кечак ва пойафзал товарлари ғарб фирмалари товарларидан тўлиқ равишда рақобатлаша бошлади (4-диаграмма).

4-диаграмма.

### Тайван экспорт товарлари таркиби




Манба: Taiwan Statistical Data Book, 2010

Бундай устунликни таъминловчи асосий омил Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шу жумладан Тайвандаги арzon ишчи кучи ҳисобланади. Масалан, ўртача соатлик иш ҳақи Сингапурда АҚШдагига нисбатан тўрт баробар, Малайзияда саккиз баробар, Таиландда ўн баробар камрок даражада арzon.

Мамлакат импортиning таркиби иқтисодиётнинг асосий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни оптимал равишда таъминлашга қаратилган (5-диаграмма). Импортда асосий ўринни нефть, озиқ-овқат, кимё маҳсулотлари, рангли металл эгаллайди.

5-диаграмма.

### Тайван импорт товарлари таркиби



Манба: Taiwan Statistical Data Book, 2010

Капитал ҳаракати. Тайвань иқтисодиётига йўналтирилган хорижий тўғри инвестициялар ҳажми 2009-йилда 74 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўз навбатида Тайванинг хориждаги капитал қўйилмалари, асосан Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига, 78 млрд. доллардан ошиб кетди. Махсус тармоқлар учун инвестицияларни жалб қилиш мақсадида техник-иктисодий зоналар яратилмоқда. Улардан энг машхурларидан бири – Хсин-Шу индустрисал-илмий паркидир.

Ҳозирги замон такрор ишлаб чиқариш жараёнининг энг фаол элементларидан бири бўлган илмий-техникавий салоҳиятни такомиллаштириш Тайванинг юқори суратлар билан ривожланишини таъминловчи энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Илм сифимли ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришнинг биринчи босқичида ҳукумат хорижий тажриба, ускуна ва технологияни сотиб олиш стратегиясини қўллади. Ушбу стратегиянинг самарадорлигини ошириш учун хорижий капитални жалб қилиб экспорт ишлаб чиқариш зоналари(ЭИЗ) яратилдики, улар ташқи бозорга йўналтирилган илм сифимли тармоқларнинг ривожланишига асос солди. ЭИЗ маҳаллий ишлаб чиқариш кучларининг малакаси ва ташкилий қўнималарини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Барча Осиё ЯИМ каби, ҳозирда Тайвань асосий мақсади илм сифимли тармоқларни ривожлантириш, жаҳон бозорида саноат рақобатбардошлигини ошириш бўлган, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Тайвань ҳукумати маҳаллий тадбиркорлар билан қўшма корхоналар яратиб, устувор соҳани хусусий капитал билан биргаликда молиялаш тактикаси билан ажралиб туради. Тайвань махсус иқтисодий зоналар ва илмий-саноат паркларини(ИСП) яратишнинг бошловчиларидан бўлиб, бу соҳада асосий ўринни давлат эгаллайди. Айнан давлат миллий саноат умумий технологик даражасини ошириш, маҳаллий ва хорижий фирмалар ўртасида оммавий илмий-техникавий кооперацияни

ривожлантириш, технологияларни ишлаб чиқиш ва янгилаш мақсадида ИСПларни бошланғич молиялашни амалга оширади.

Бундан ташқари, ИСП зоналарига маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун күпчилик Осиё ЯИМ ҳукуматлари қонунчилик доирасида бир қатор молиявий солик имтиёзларини киритишиди. Ҳозирда бу мамлакатларда ўндан ортиқ технопарклар фаолият юритмоқдаларки, уларнинг яратилишига юқори технологияларнинг форпости бўлган америка Силикон водийси (Silicon valley) ва Цукуба япон илм шахри намуна бўлиб хизмат қилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Тайвань иқтисодининг бундан кейинги ривожланиши кўп жиҳатдан унинг Хитой халқ Республикаси билан ўзаро ижтимоий-иктисодий муносабатларига боғлиқ.

## **2.2. Хитой Халқ Республикаси ва Тайванинг сиёсий-иктисодий муносабатлари ҳолати таҳлили ва истиқболлари.**

Ҳозирги вақтда Хитой ва Тайвань ўртасидаги муаммоли муносабатлар Осиё худудида ва бутун жаҳонда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир.

Тайвань – тан олинмаган, ўз қонуниятлари бўйича яшаётган, ва ўзига хос бўлган йўлдан ривожланаётган Хитой Республикасидир. 1946—1950 йилларда Гоминъдан партияси фуқаролик урушида енгилгандан кейин, Тайвань Хитой Республикаси номи билан континентдан ажралиб, алоҳида давлат деб эълон қилинди. Материкдан ажралиши натижасида Тайвань ороли XXРнинг доимий рақиби бўлган Америка Кўшма штатларининг инвестицион қўйилмалари оролига айланди. 1950-йиллар мобайнида америка субсидиялари орол иқтисодига қўйилмаларнинг 25%ни ташкил қилиб, у вақтларда иқтисодиёт асосини гуруч ва дон маҳсулотларини етиштириш ташкил қиласи эди. Вақт ўтиши билан Тайванинг иқтисодий ўсиши кучая

борди ва у металл буюмлари, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортига ихтисослашди. Ўтган асрнинг 1950-70 йй. давомида Тайвань мисли кўрилмаган даражадаги ўсишни намойиш қилди ва дунёнинг энг бой оролларига айланди. 1997 йилга келиб аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 13 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Шунингдек оролнинг банк тизими ҳам яхши ривожланган. Кўпгина халқаро тижорат банклари Тайбейда ўзининг филиаллари ва ваколатхоналарига эга.

Охирги 30 йилда Хитой ва Тайвань ўртасида товар айланишининг ўсиши кузатилмоқда. Агар 1978 йили бу кўрсаткич атиги 50 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб 124,5 млрд АҚШ долларига етиб, ўртacha йиллик ўсиш 36%ни ташкил қилди. 80-йилларга XXРга тайвань инвестицияларининг энг катта ҳажми тўғри келди, бу, шубҳасиз, янги дунё ҳамжамиятига очиқ Хитой иқтисодини ривожланишига ёрдам берди. Сўнгги вақтларда акс тенденция кузатилмоқдаки, эндиликда етарли даражада молиявий ва интеллектуал воситаларга эга бўлган Хитой тайвань инфратузилмасининг ривожланишига катта маблағ сарфламоқда.

Мамлакат континентал қисми режали иқтисоддан бозор тизимиغا ўтмасдан аввал (XXРдаги ислоҳотлар - Дэн Сяопина дастури) ундан орол қисмининг иқтисодий устунлиги яққол эди. Контиентал иқтисоднинг тараққиёти 1980 йилларнинг охирига ва 1990-йилларнинг бошига тўғри келади. Бунда Хитой Тайвандан ҳажм ва қиймат бўйича ошиб кетиб, ушбу ҳудуддаги асосий экспортчига айланди. 1990-йилларнинг охирида орол иқтисодий инқирозга учрадики, бунинг асосий сабабларидан бири демократлар ва президент Чэнь Шуйбяннинг агрессив оролни жаҳоннинг суверен мустақил давлат деб тан олинишига йўналтирилган агрессив сиёсатидир. Охирги тайванда бўлиб ўтган парламент сайловларида ҳокимиятга Гоминъдан партиясининг вакиллари келди, президент қилиб Ма Инъцю сайланди. Президентнинг сайлов олди ташвиқот компанияси мамлакат иқтисодиётини кўтаришга асосланган бўлиб, оролнинг сиёсий статуси муҳим эмас деб топилди. Мамлакатни иқтисодий турғунликдан олиб

чиқиши ва ХХР билан дўстона муносабатларни ўрнатиш президент дастурининг асосини ташкил қиласди. 13 йил мобайнида биринчи марта икки соҳил ўртасида ҳамкорликни ташкил қилиш учун маҳсус гурухлар ташкил қилинди. 2008 йилдан бошлаб Президент маъмурияти Хитой билан муносабатларни яхшилаш бўйича бир қатор чораларни амалга ошириди ва ушбу чоралар орол учун фақат иқтисодий манфаатларга асосланган.

Оролда ҳукумат алмашиши билан кўрфазнинг икки соҳили ўртасидаги муносабатларда илиқлиқ сезилмоқда. 2008 йилнинг апрелида хитой бизнесменлари ва олигархлари тайвань ишбилиармон доираларининг таклифига биноан унинг инвестиция салоҳиятини ўрганиш учун оролга ташриф буюрдилар. Томонлар Тайвань туризм инфратузилмасига сармоя қўйишига қарор килдилар. Бундай битим икки ёқлама шериклик муносабатларини ўрнатишдаги жуда катта ижобий ҳодисадир.

Тайваннинг сиёсий мақоми ҳақидаги масалада шуни тъкидлаш лозимки, аввалги ҳукумат ўз сиёсатини Тайваннинг Хитойдан бутунлай ажралишига асослаган бўлиб, қуролли тўқнашишгача борилган эди. Лекин шундай мураккаб даврда ҳам Хитой оролнинг мамлакатга куч воситасида қўшилишига йўл қўймади. Ҳозирда иккала ҳукумат барча масалаларни маслаҳатлар ва диалог орқали ечиш мумкин деган холосага келишган. Маълумки, иқтисодий масалалар иккала томоннинг сиёсий манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда Хитой туфайли Тайваннинг БМТга кириш эҳтимоли нолга тенгдир, чунки Хитой ўзининг дипломатик шерикларидан тайвань маъмурияти билан расмий учрашувлар ўтказмаслик ва унинг халқаро ташкилотларга киришига йўл қўймасликни талаб қиласди (бу халқаро шартномалар тузишдаги хитой ташқи сиёсатининг асосий бандларидан биридир).

Тъкидланганидек, Хитой ва Тайвань ҳозирги даврда асосан иқтисодий, маданий-гуманитар масалаларни ҳал қилиш босқичидадир. Икки соҳил ўртасидаги сиёсий муносабатлар маслаҳатлар ва келишувлар даврида бўлиб,

оролнинг қўшилиш масаласи ҳали кун тартибига қўйилгани йўқ. Шу билан бирга, янги ҳукумат билан Тайваннингкўпчилик аҳолиси ХХР тасаруффида бўлишнинг ижобий томонларини ҳисобга олиб, тўлиқ мустақилликка аввалгилек интилаётгани йўқ. Бундай протекционизм субсидиялар, хитой бозорига кириш, тажриба алмашиш ва ҳ.к. каби бир қатор афзалликларга эга. Шунингдек Хитой тайваннинг ёш мутахассисларига меҳнат билан таъминлашнинг кенг доирасини тақдим этмоқдаки, оролнинг ёш авлоди ҳам анкета сўровларидан кўриниб турибдики, хитой иқтисодиётининг юқори ўсиш суратларидан келиб чиқиб, у ерда ишлашга қарши эмас.

2010 йили ХХР Тайвань ороли билан икки Хитой интеграциясининг иқтисодий базиси бўлиб хизмат қиласидаги савдо бўйича икки ёқлама битим имзоланди. Ушбу битим туфайли икки давлат ўртасидаги йиллик товар айирбошлишуви 100 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Натижада Тайбэй ХХР бозорига киришга муваффақ бўлди, Пекин эса технологиялар билан сиёсий дивидендларга эга бўлди.

Ушбу битимга биноан 800та товар номланишига божхона тарифлари пасайтирилди, натижада икки давлат ўртасидаги товар айирбошлишуви 14 млрдан 100 млрд АҚШ долларигача ошди. ХХР 530дан ортиқ товарларни етказиб беради, оролдан 260 хил товар олади. Тайвань ХХР ички бозорининг имкониятларидан манфаатдордир, бу ерга у ўзининг юқори технологияли маҳсулотини сотиши ва капитал экспорт қилиш мумкин.

Халқаро эксперталарнинг фикрича, ушбу савдо ҳақидаги битимнинг имзоланиши жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви туфайли вужудга келган регионал интеграция муаммоларини ҳал қилишда Хитойнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлида қўйилган иккала томоннинг стратегик қадамидир<sup>8</sup>.

Ушбу шартнома кўп жиҳатдан Ҳитой ва оролнинг интеграциясининг бошланғич босқичи бўлди. Бу уч йил аввал орол ҳукуматига Гоминьданнинг етакчиси Ма Инцю келгани натижасида юз берди. Ма сиёсати иқтисодий

---

<sup>8</sup> <http://www.rbcdaily.ru/2010/06/30/world/490593>

соҳада ХХР билан яқинлашишга ва сиёсий масалаларни орқага суришга йўналтирилган. Чунки Тайвань ҳозиргача ягона Хитой республикаси статусига интилмоқдаки, бу иккала давлат ўртасидаги муносабатларни анча мураккаблаштиради. Ўз навбатида, Пекин Тайванни Хитойдан ажралиб чиқсан қўзғолончи провинция деб ҳисоблайди. 60 йил мобайнида Хитой оролни қайтаришга ҳаракат қилди ва жуғрофик карталарда уни ўзининг ҳудуди деб белгилайди. Бироқ қарама-қаршиликлар ва куч билан босим ўтказиш ҳеч қандай натижага олиб келмади. Шунинг учун ХХР хукумати ишонч билдирадики, икки ёқлама муносабатларга бошқача урғу берилиши натижасида иқтисодий интеграция 60 йил мобайнида ҳарбий ҳуружлар ёрдамида эришилмаган натижаларга олиб келади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш лозимки, Хитой ва Тайвань ўртасидаги эркин савдо икки мамлакат муносабатларидаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликнининг асоси бўлиб хизмат қиласи.

### **2.3. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда Хитой ва Тайвань иқтисодий моделидан фойдаланиш йўналишлари.**

Ўзбекистон Республикасининг Хитой билан халқаро иқтисодий муносабатлари барқарор ривожланмоқда. ХХР 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди ва 1992 йил 2 январда иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитойга ташрифлари муҳим роль ўйнади. Ушбу ташрифлар чоғида Ўзбекистон-Хитой давлатларапо муносабатлари асосини ташкил этувчи ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон-Хитой муносабатларнинг барча кўринишдаги мажмуини қамраб олади, дўстона, ўзаро манфаатли

характерга эга. Шартномавий-хуқуқий базани қарийб 150 та мамлакатларара ва бошқа келишувлар ташкил этади.

Хитой томони Ўзбекистонга жаҳон глобаллашуви шароитида ХХР учун муҳим қизиқиши туғдирувчи Марказий Осиёдаги вазиятга катта таъсир кўрсатадиган минтақавий йирик мамлакат сифатида қарайди. Ҳозирги вақтда икки мамлакат ўртасида энг қулай режим ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида ҳам ўзаро алоқалар олиб бормоқда: ХХР Ўзбекистоннинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви шароитида Ўзбекистон-Хитой икки томонлама савдо алоқаларининг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасининг савдо ҳамкорлари ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Қўшни давлатлар ўртасида икки томонлама савдони ривожлантириш мақсадларига Хитой қонунчилигига назарда тутилган чегарадош давлатларга 50% қисқартирилган бож тўлови амалиётининг Ўзбекистон корхоналари учун жорий этилиши ҳам киради.

7-жадвал.

2008 йили Ўзбекистон экспортсида асосий савдо ҳамкорларининг улуши ( товар гурӯҳлари кесимида экспортнинг умумий ҳажмига % ҳисобига)

	Экспортнинг умумий ҳажмиди	Пахта толаси	Кимё маҳсулотлари	ранглиметаллар	Қора металлар	Энергия манбалари	Машина ва ускуна	Озик-овқат товарлари	хизматлар	бошқалар
Россия	17,2	0,7	12,9	5,5	0,6	7,8	73,6	63,2	43,6	4,0
Украина	8,5	2,1	9,8	2,1	0,1	25,5	11,7	2,9	1,1	0,2
Қозогистон	4,0	0,0	7,1	0,3	32,4	5,4	2,4	2,5	3,6	2,8
Эрон	4,6	39,2	1,5	1,8	19,1	0,4	0,1	1,9	1,5	0,3
Хитой	2,2	19,0	0,7	0,0	0,0	0,2	0,0	0,2	1,8	0,6
Туркия	4,6	0,4	1,3	70,6	0,0	0,1	0,1	3,3	1,4	2,3
Жами	41,1	61,5	33,3	80,4	52,3	39,5	87,9	74,0	52,9	10,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Хитой билан ташқи савдо алоқалари тобора фаоллашиб бормоқда. 7-жадвал маълумотларидан кўриниб

турибиди, Ўзбекистон экспортининг умумий ҳажмида Хитойнинг улуси 2,2%ни ташкил қилиб, пахта толасининг 19,0%, кимё маҳсулотларининг 0,7% бу мамлакатга экспорт қилинади. Ўзбекистоннинг узоқ хориж давлатлар билан ташқи савдо айламасининг энг катта ҳажми ҳам Хитой халқ республикасига тўғри келади (6-диаграмма).

Ўзбекистон, Қирғизистон ва ХХР ўртасидаги ҳукуматлараро битимга кўра, Осиё-Тинч океани миңтақаси мамлакатларини Яқин Шарқ ва Европа давлатлари билан боғлайдиган Тошкент-Андижон-Ўш-Эргаштонг-Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлини қайта қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар Ўзбекистоннинг Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини кучайтиришга имкон яратса, ўз навбатида Хитой маҳсулотларини Европа бозорига чиқишини осонлаштиради. Бугунги кунга келиб молиявий-инвестицион ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Тақдим этилган молиявий воситаларнинг умумий ҳажми 428,1 млн. АҚШ долларини, жумладан беғараз ёрдам доирасида 8,8 млн. АҚШ доллари, товар кредитлари линиялари бўйича 9,6 млн. АҚШ доллари, фоизсиз кредитлар 13,3 млн. АҚШ долларини, имтиёзли кредитлар 64,1 млн. АҚШ долларини, тижорат кредитлари 32,3 млн. АҚШ долларини, экспорт кредитлари 300 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2008 йили Ўзбекистон Республикасининг узоқ хориж давлатлари билан ташқи савдо айланмаси



■ Афганистан ■ Иран □ Китай ■ Латвия ■ США ■ Турция ■ Франция □ Швейцария ■ Прочие страны

6-диаграмма<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Кўп йиллардан буён пойтахтимизда иш олиб бораётган “Зафар”, “Сувжихозгаз” корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бугун ўз ҳаридорларига эга. Тошкентда “Тексупа интернейшнл лимитед”, “Чайнатекс” каби жами ўн тўққизта компаниянинг ваколатхоналари очилган. Улар асосан экспорт-импорт операциялари ўтказиш, қурилиш хизматлари кўрсатиш, тўқимачилик ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, ахборт технологиялари ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, “Нитро энержи инженерия” компанияси Тошкент аэропортини таъминлаш бўйича ўтказилган тендерда қатнашиб, бу йирик лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган бўлса, “Хуа вей” компанияси телекоммуникация, Хитой экспорт-импорт миллий компанияси темир йўллар қурилиши ва бу соҳага эҳтиёт қисмлар етказиб беришда ҳамкорлик қилиш учун республикамиз иқтисодиётига ўз сармояларини киритмоқда.

Тайвань билан муносабатларда Ўзбекистон шундан келиб чиқадики, XXР ҳукумати ягона бутун Хинойни акс эттирувчи қонуний ҳукумат ҳисобланади, Тайвань эса Хитой ҳудудининг бир қисмидир. Бу ҳолати Ўзбекистон ва Хитой биргаликда қабул қилган барча битимларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Тайвань билан ҳеч қандай расмий давлатлараро муносабатларни юритмайди. Ўзбекистон ва Тайвань ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқалар фақат норасмий асосда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатларимизнинг бой хом ашё ва илмий-интеллектуал имкониятлари муҳим инфратузилма лойиҳаларининг самарали амалга оширилишига, ШҲТ аъзолари манфаатларига мос савдо, инвестицион ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг кейинги ривожи учун мустахкам асос яратади. Биринчи навбатдаги муаммоларга минерал хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланиш, энергетика ва атроф-муҳит муҳофазасининг мувофиқлаштирилган тузилмасини яратиш киради.

Ўзбекистоннинг халқаро савдога интеграциялашувидан энг кўп фойда олиш учун халқаро тажрибадан фойдаланиш ва ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун Хитой Халқ Республикасининг ҳамда Тайвань давлатининг ташқи савдони ривожлантириш тажрибаси намуна бўла олади. Ўзбекистон ва ХХР иқтисодиёт таркибида ҳам (ҳар иккала мамлакатда ҳам халқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳалар ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жараёнлари давом этмоқда, ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши, ташқи савдонинг нисбати катта, давлатнинг юқори тартибга солувчи роли, ишчи кучининг ортиқчалиги, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилганлик), ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш мақсадларида ҳам (экспортга йўналтирилган соҳаларни ривожлантириш, саноатлаштириш, истиқболли соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсати, ташқи савдони эркинлаштиришнинг ўхшаш муаммоларини ҳал қилиш) ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Ташқи савдони либераллаштиришда республикадаги ўтиш даври хусусиятларини эътиборга олиш ва унинг муваффақиятли ўтказган мамлакатлар тажрибасига таяниш лозим. Шунинг учун Ўзбекистон учун ривожланаётган давлатлар, жумладан Тайвань ва Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдони либераллаштириш ва уни оқибатларини юмшатиш бўйича тажрибаси жуда қимматлидир.

Ўзбекистонда ҳам, Тайвань ва ХХРда ҳам ташқи савдони либераллаштиришнинг устуворликларидан бири - бу экспортга йўналтирилганлик, экспортга йўналтирилган соҳалар салоҳиятини ривожлантиришdir. Ўзбекистон халқаро савдода нисбий устунликларга эга бўлган иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга устуворлик бериш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил якунларига бағишлиган маърузасида илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб

бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гурухининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-кувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда (7-диаграмма).

Маълумотлардан кўринадики, республикамиз ташқи савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2009 йилда 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 2,23 марта ўсади. Экспорт ҳажмининг 2009 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиши 2,4 фоизни ташкил этди.



7-диаграмма

Айни чоғда, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсирида кўпчилик мамлакатларда экспорт ҳажмининг кескин қисқариши

кузатилмоқда. Жумладан, 2009 йилда экспорт ҳажмларининг қисқариши Россия Федерациясида 44,2 фоизни, Украинада 48,7 фоизни, Қозогистонда 47,7 фоизни ташкил этд

2000-2009 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (8-жадвал).

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди.

Енгил саноат Ўзбекистон экспорт салоҳиятини белгилаб берувчи асосий тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. 2010 йил давомида енгил саноат маҳсулотининг экспорти 60%га кўпайган ва 600 млн.доллардан ошиб кетди.

#### 8-жадвал.

#### Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000	2005	2008	2009	2010
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3	13044,5
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):					
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6	11,3
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0	5,1
Қора ва рангли металлар	6,6	9,2	7,0	5,0	6,8
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9	5,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0	9,7
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2	24,8
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8	9,1
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5	27,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси

Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамай, республика иқтисодиёти ҳозирча хом ашё талаби ва таклифи қайта ишлаш саноати товарларига нисбатан паст эластик бўлганлиги туфайли тез ўзгариб турувчи жаҳон хом ашё нархларига кучли боғлиқ. Валюта тушумларининг ўзгариши, ўз навбатида, бутун макроиқтисодий ҳолатга таъсир кўрсатади. Ташқи шоклар,

жумладан Осиё иқтисодий инқирози, ҳанузгача давом этаётган жаҳон молиявий инқирози иқтисодиётни, жумладан экспортни диверсификациялаш заруриятини яна бир бор кўрсатди. Мамлакат иқтисодиёти қанча кўп халқаро ишлаб чиқариш-технологик занжирларига қўшилса, унинг таъсирчанлиги шунча камаяди ва ривожланиш салоҳияти ортиб боради.

Экспорт салоҳияти мамлакат иқтисодиётининг техник-технологик, сифат, нарх рақобатбардошлигининг ошиши билан боғлиқ. Амалга оширилаётган тадбирлар ва экспортга йўналтирилган дастурларнинг асосий мақсади экспортнинг қиймат ҳажмини, биринчи навбатда, қайта ишланганлик даражаси юқори маҳсулотлар, илмталаб товарлар, технология ва хизматлар, яъни динамик товарлар ҳисобига кўпайтиришдан иборат. Биринчи босқичда экспортда оралиқ маҳсулотлар (бирламчи қайта ишланган маҳсулотлар) асосий бўлиши, кейинчалик эса юқори технологияли маҳсулотларнинг (машина ва ускуналар, майший техника, компьютерлар, ярим ўтказгичлар ва х.к.) улуши ортиши назарда тутилган.

Хозирги босқичда халқаро иқтисодий алоқалар интенсивлашуви хусусиятларидан бири - ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар соҳаларида ихтисослашув ва кооперациянинг доимий чуқурлашуви ҳисобланади. Анъанавий савдо алоқалари шакли бўйича мураккаблашиб тобора турли мамлакатлардаги ҳамкорларнинг узоқ муддатли саноат ҳамкорлиги кўринишини олмоқда. Халқаро саноат ҳамкорлиги – жаҳон интеграция жараёнларининг асосий, энг динамик омилларидан биридир.

XXРнинг Ўзбекистон учун энг қимматли тажрибаси - савдо режимиини аста-секин УСТ талабларига мослаштирилишидир.

1994 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати УСТга расмий равишда республиканинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш истаги тўғрисида хат йўллади. УСТга аъзо бўлмаслик миллий қайта ишлаш саноатининг экспорт товарларини бошқа мамлакатлардаги савдо тўсиқларига дучор бўлишига олиб келиши мумкин. Аввало ривожланган

мамлакатлардаги мавжуд нотариф тўсиқлар айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери, тўқимачилик маҳсулотлари, кимё ва металургия маҳсулотлари учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан энг қулай режим мақоми кафолатини олиш ва уни жаҳон мамлакатларининг кўпчилигига ёйиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон 38 та йирик савдо мамлакатларидан энг қулай режими мақомини олган. УСТга аъзо бўлгандан сўнг бу режим кафолатланади.

УСТга аъзо бўлиш Ўзбекистонга ривожланиш стратегиясини барқарор, УСТга аъзо мамлакатлар унинг экспорт товарларига дискриминациясиз, очиқ муносабатда бўлишларини кафолотовчи муҳитда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Бу Ўзбекистонга ўзининг савдо ва инвестиция салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

Саноат тармоқларидағи техник тараққиётнинг ривожланиш даражасининг меҳнат унумдорлиги ва фонд кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ялпи баҳоланиши қуидагиларни кўрсатди: саноатнинг бошқа тармоқ ва секторларини ривожланишини таъминлаш учун хом-ашё секторининг салоҳиятини ошириш мақсадида инвестицион ресурсларининг катта қисмини унинг техникавий қуроллантиришга йўналтирилганлиги туфайли юқори даражага ёқилғи-энергетика, қора ва рангли металургия тармоқларида эришилган; қайта ишлаш секторида – меҳнат ва капиталнинг энг юқори даражасига янги тармоқлар бўлмиш – автомобилсозлик ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда эришилди.

Енгил саноатда техник тараққиёт даражаси пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик тармоқларида юқоридир. Бундай кўрсаткичга эришиш хорижий фирмалар билан қўшма корхоналарнинг имкониятларини кенг жалб этган ҳолда тўқимачилик саноатини ислоҳ қилиш орқали эришилди. Тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва техник қуролланиш даражасининг ўсиши тармоқнинг экспорт қувватини оширишга имкон берди. Озиқ овқат саноатининг янги барпо этилган – шакар, тамаки, унни

қайта ишлаш ва қайта ташкил этилган ёғ-мой тармоқларида меҳнат ва капиталдан фойдаланиш бўйича ўсиш саноатдаги ўртacha ўсиш суръатларидан юқори бўлди.

Меҳнат ва капиталдан фойдаланишнинг самарадорлигини паст даражаси кимё саноатининг барча тармоқларида (лок-бўёқ соҳасидан ташқари) ва озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқларида кузатилмоқда.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг алоҳида турлари рақобатбардошлиги даражаси, нархлар тафовути, ишлаб чиқариш рентабеллиги ва экспорт кўрсаткичлари ҳисоб-китоби, шунингдек, товарларга ички ва ташки талабни ўрганиш асосида амалга оширилди.

Охирги йилларда саноат тармоғининг ривожланиши натижаларининг таҳлили кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари бозор шароитига мослашганлигини ва давлат кўмаги ёрдамида юқори самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, саноатда кузатилаётган ўсиш омиллари ва манбаларининг нобарқарор характеристини кўрсатувчи муаммолар юзага келди. Улар ўзбек товарларининг жаҳон бозорига чиқишига тўсқинлик қилмоқда ва мамлактнинг УСТга аъзо бўлиш жараёнида жиддий муаммолар туғдириши мумкин. Юзага келган муаммолар саноат ишлаб чиқаришини сифат кўрсаткичларини оширишни талаб этади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади, нафақат ушбу иқтисодиёт секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устивор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташки ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат. Стратегик йўналиш саноатни экспортга йўналтирилган таркибини вужудга келтириш ва экспортда хом-ашёга нисбатан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар улушини ошириш ҳисбланди.

Юқорида келтириб ўтилган устивор йўналишларни амалга ошириш саноатда институционал сиёsatни тезлаштиришни, корхоналарни реконструкция қилишга ёрдам беришни, бозор иқтисодиёти шароитида самарали ишлаш учун ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришни ва самарадорлигини оширишни тақозо этади.

## Хулоса

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қиласди. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги вақтдаги ташқи иқтисодий фаолияти иқтисодиётнинг ривожланиш самарадорлигига, ички ва ташқи омиллар мувозанатига бевосита таъсир кўрсатувчи алоҳида соҳасига айланмоқда. Глобаллашув шароитида, бозор ислоҳотлари янги йўналишларининг татбиқ этилиши ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни талаб қиласди. Очиқлик сиёсати Хитой иқтисодий ислоҳотлари ва модернизациясининг асоси ҳисобланади. Очиқлик сиёсати, энг аввало, глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни шу тарзда амалга оширишни англатади. Хитойда ташқи савдо ислоҳотини ўтказиш, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштиришни бекор қилиш, божхона тўловларининг умумий даражасини пасайтириб бориш мунтазам ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Марказий банк ва давлатнинг хорижий капитал қўйилмалари учун хуқуқий ва иқтисодий кафолатларининг комплекс тизими ташкил этилган. Давлат керакли шароитларга эга бўлган давлат корхоналарининг бевосита инвестицияларни жалб қилиш мақсадида халқаро молия бозорига чиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиши дастурининг муҳим йўналишларидан бири - бу мамлакатни жаҳон хўжалигига, шу жумладан халқаро савдо тизимига интеграциялашуви стратегиясидир. Бу асосий иқтисодий стратегия бўлиб, у жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида миллий иқтисодиётларнинг барқарор ҳолатни эгаллашига имкон беради. Ҳозирги вақтда Хитойнинг

очиқлик сиёсати глобал характер белгиларига эга бўлмоқда. У мамлакатга хорижий инвестициялар кириб келишини ва хорижга Хитой инвестициялари олиб чиқилишини қўллаб-куватлайди.

Хитой халқ республикасининг оролда жойлашган провинцияси ҳисобланган Тайваннинг иқтисодий сиёсати сўнгги беш ўн йилликда тўғридан-тўғри натижага олиб келган янги индустрисал иқтисодиёт деб аталувчи гуруҳга киради. Биз юқорида Тайвань иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, Тайван “иқтисодий мўжизаси”га асос солган моделнинг ривожланиш босичларини кўриб чиқдик. 2000-йилдаги президент сайловларидан кейин давлат бошқарувига келган ҳукумат иқтисодий стратегияни ўзгартириш ва Хитой Халқ Республикасининг ўсиб бораётган иқтисодий ва сиёсий таъсири шароитида у билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва уларни ривожлантириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириди. Умуман олганда Хитой ва Тайвань ривожланиш моделлари шуни кўрсатдики, давлат иқтисодий тартибга солишининг замонавий кўриниши ва самарали бозор иқтисодиёти чекланган шаклда бир-бирини тўлдирган ҳолда рўёбга чиқиши мумкин.

Тадқикотларимиз шуни кўрсатдики, Хитой ва Тайваннинг ташқи иқтисодий сиёсатининг ижобий тажрибасидан ривожланаётган ўхшаш иқтисодий тизимларда, шу жумладан Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг асосий йўналишлари қўйдагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Хитой ва Тайваннинг ислоҳотлар ва модернизациялаш сиёсати миллий хусусиятлар, мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини эътиборга олган ҳолда қурилган. Бу сиёсат тадбирлари шундай кетма-кетлиқда амалга оширилганки, у биринчи навбатда иқтисодиётнинг энг қолоқ соҳаларини қамраб олган ва энг қисқа муддатда натижага эришиш имкониятини яратган.

2. Ислоҳотлар сиёсати мавжуд давлат ҳокимиятини сақлаб қолган ва бозор қонунчилигини такомиллаштирган ҳолда иқтисодиётнинг турли

тармоқларини бозор муносабатларига аста-секин кириб боришини, янги нодавлат ва хусусий мулкчилик шаклларини шакллантиришни назарда тутар эди. ХХР Конституциясига принципиал ўзгаришлар киритилиб, улар ҳуқукий жиҳатдан барча мулк шаклларини тенглаштиради, давлат улар хавфсизлигининг кафолатчиси ҳисобланади.

3. Ҳукумат иқтисодий ўзгаришларни аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

4. Мамлакатда барқарор молия-иқтисодий қонунчиликни ўрнатиш йўли танлаб олинган бўлиб, унинг асосида давлат, хусусий тадбиркорлар ва хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳисобга олиш ётади.

5. Бозор иқтисодиётининг глобаллашуви ва мулк ҳуқуқларининг халқаро ҳимояланиши талабларига мос келиш мақсадида Хитой қатор халқаро шартномаларни имзолаган бўлиб, улар УСТга кўшилиш учун ҳуқукий замин яратди.

6. Хитой ва Тайваннинг очиқлик сиёсати, энг аввало, халқаро амалиёт талаблари асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни англашади. Ташқи савдо ислоҳоти амалга оширилди, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштириш бекор қилинди, божхона тўловларининг умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва Президент асарлари.**

1. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. Халқ сўзи, 20 январь 2012 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрир). 2000, 26 май.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 марта даги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПФ-3860-сонли фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сонли Қарори.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. Халқ сўзи, 30 январь 2010 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

## **II. Махсус адабиётлар.**

1. Алимов А.М, Хамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Дарслик. - Т.: ЎзАЖБНТ, 2004.
2. Абдуразаков А. Экспортная приоритетность.// Экономическое обозрение, №3, 2006.
3. Бекмурадов А.Ш. Международная конкурентоспособность Республики Узбекистан: вопросы теории и практики.//Международные отношения: экономика, политика, право. Ташкент, 2002, №3.
4. Мелибаева Г.А. , Газиев Ф.Ш. Хитойнинг марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги
5. Гурова И.П. Мировая экономика-Москва: Омега-Л, 2007
6. Дегтярева О.И., Полянова Т., Саркисова С. Внешнеэкономическая деятельность. Москва, 2004.
7. Иванов С. Промышленная политика Китая: очередное достижение // Экономист – №1 – 2006 – с.52-57
8. Киреев А.Международная экономика. В 2-х ч. Часть 2. М., 2003 г.
9. Международные экономические отношения. Под ред. В.Рыбалкина. М.2009
10. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, Т., 2005й. 272б.
11. Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. СПб. 2000.
12. Раджабова З.К. Мировая экономика. М.: «Инфра-М», 2006.
13. Семёнов К. А. Международные Экономические Отношения. Учебник для вузов. – М., ЮНИТИ – ДАНА, 2003 г.
14. Селищев А.С., Селищев Н.А. Китайская экономика в XXI веке - СПб., «Питер», 2004.
15. Синь Тяньчен. Шанхайская организация сотрудничества: приоритетные направления. // МЭ и МО, 2002, №11. с. 23-27

16. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретики-методологические аспекты. Т., 2004 г.
17. Спиридовон И. Мировая экономика. – М.: ИНФАР-М, 1997 г.
18. Хаджаев А., Махмудов Ш. О мерах КНР по стимулированию национальной экономики на фоне мирового финансового кризиса // ЦПИ Узбекистан Центральная Азия. Т.: 2008, №11. С. 11-12.
19. Чепель С.В. и др. Оценка последствий и разработка практических рекомендаций для вступления Узбекистана в ВТО и внешнеторговых реформ (на макроэкономическом уровне и на примере конкретных отраслей) / Семинар проекта ЮСАИД «Экономические реформы в Узбекистане». Т., 2006 г.30 с..54 с.
20. Шодиев Р.Х., Махмудов Э. Жаҳоник тисодиёти Дарслик. Т.: Шарқ, 2005.
21. Юсупов А. Ўзбекистоннинг эркин савдо тизимига интеграциялашуви. // Бозор, пул ва кредит, 2004.
22. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. Тошкент Консаудитинформ-нашр-2006

### **3. Интернент сайтлари**

1. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) (Жаҳон Банкининг расмий веб-сайти)
2. [www.ceep.uz](http://www.ceep.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси Кўмитасининг расмий веб-сайти)
3. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) (Ўзбекистон Ахборот Агентлигининг расмий веб-сайти)
4. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) (Ўзбекистон Ҳукуматининг расмий веб-сайти)
5. [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz) (Маълумотлар базаси)
6. [www.wikipedia.com](http://www.wikipedia.com) (Интернет энциклопедия).